

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

Д. М. МИРАЗОВ

ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ
ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА
ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2016

Т а қ р и з ч и л а р:

Тошкент давлат юридик университети катта илмий ходим-изланувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент **С. М. Рахмонова;**
юридик фанлар номзоди **Ш. А. Кулматов**

М 53 Миразов Д.М.

Юзлаштириш тергов ҳаракатининг процессуал тартибга солиниши ва ўтказиш тактикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 67 б.

Ушбу қўлланмада юзлаштириш тергов ҳаракатининг процессуал тартибга солиниши, ўтказиш асослари ва турлари, юзлаштириш ўтказишнинг тактик хусусиятлари ёритилган.

Юридик олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, талабалар, тингловчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига мўлжалланган.

ББК 87.99 (5У)93я73

КИРИШ

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан одимлаб бораётган ўтган қисқа тарихий вақт ичида ҳақиқий демократик, очиқ ва инсонпарвар жамият барпо этиш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишига асосланган замонавий ҳуқуқий давлат тизимини яратиш борасида улкан ишларни амалга оширди. Давлат мустақиллиги, биринчи навбатда, ижтимоий онгда янги йўналишдаги кадриятлар шаклланишига, иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқнинг турли соҳаларида умуминсоний кадриятларга ошно бўлишга олиб келди. Давлат мустақиллиги жамият ҳаётининг барча томонларини, жумладан, ҳуқуқий фанларни қаттиқ сиқувга олган марксизм-ленинизм мафкураси занжирларини улоқтириб ташлаш имконини берди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов: «Шўро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради»¹, дейди.

Мустақилликка эришилиб, мамлакатда демократик тузум ўрнатилганидан кейингина Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий кадрият сифатида эълон қилиш имкони пайдо бўлди. Шу боис Ўзбекистоннинг жиноят-процессуал ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари жиноят процессининг ҳар бир босқичида, айниқса, суд муҳокамаси босқичида ҳар бир жиноят иши бўйича инсон ҳуқуқлари бузилган-бузилмаганлигини, агар бузилган бўлса, бунинг моҳияти ва сабабларини, уларни ким бузганлигини текширишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида биринчи марта жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган айбсизлик презумпцияси эълон қилинди (ЖПК 23-м.). Илгариги қонунларда ушбу принцип ифодаланмаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида барча судларда ишлар очиқ кўрилиши белгиланган (113-м.). Айнан ҳар бир жиноят иши ошкора кўриб чиқилгандагина жамоатчилик суд муҳокамаси

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б.89.

холисона ўтказилаётганлигига, прокурорнинг ҳам, адвокатнинг ҳам нуқтаи назари диққат билан ўрганилаётганлигига ва шундан сўнг текширилган далиллар асосида суд адолатли ва қонуний қарор чиқараётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Агар шахс унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, яқин қариндошларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таҳдид соладиган хавфни бартараф этиш учун бошқача воситалар билан ҳаракат қилиши мумкин бўлмаган шароитга қўйилганлиги ҳамда у олдини олган зарар содир этган қилмишга қараганда аҳамиятлироқ эканлиги аниқланса, мазкур ҳаракатлар расман жиноий жазога лойиқ қилмиш аломатларига эга бўлса ҳам, жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлат шароитида инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий қадр-қиммати устун аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, уларни охириги зарурат ҳолатида содир этилган деб баҳолаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мажлисида қонунларнинг бажарилиши ҳақидаги масалани кўриб чиқиш чоғида адвокатларнинг қонунда назарда тутилган жиноят ишлари бўйича исботлаш давомида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатларини амалга ошириш борасидаги фаоллигини оширишга яна бир бор эътибор қаратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда шаклланаётган янги ижтимоий-сиёсий тузум ва бозор иқтисодиёти инфратузилмасига мос янгича ҳуқуқий доктрина қарор топди. Мазкур доктрина икки асосий жиҳат билан таърифланади. Биринчиси, шахс эркинлиги ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш бўлса, иккинчиси – адолат принципнинг устунлигини таъминлаш, уни жамият ва давлатнинг ҳаётининг барча жабҳаларида сингдиришдан иборат. Мустақиллик йилларида эркинлик ва адолатни қарор топтириш борасида муайян ижобий натижаларга эришилди. Айниқса, адолат ғоясининг ўз ифодасини топиши борасида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Ислом Каримов томонидан сўзланган нутқда илгари сурилган амалий ташаббуслар катта қадам бўлди. Жумладан, ушбу нутқда адолат нормалари ва принциплари барча ҳуқуқ соҳаларида қатъий ўрин эгаллашига эътибор қаратилди¹. Жиноят учун жавобгарликка тортиш жараёнида адолатнинг ўрнати-

¹ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 41.

лишига қаратилган ҳаракатлар давлат билан фуқаро ўртасидаги ўта нозик жабҳани эркинлаштирилишда муҳим қадам бўлди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятни маънавий соғломлаштиришда ҳокимият билан фуқаролар ўртасида муносабатларнинг гуманистик заминга эга бўлишида салмоқли аҳамият касб этади.

Бутун ҳуқуқий тизимимизда рўй бераётган либераллаштиришнинг асосий мазмуни – барча ҳуқуқий тақиқ ва чекловларни адолат нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, уларни оқилона мўътадиллаштириш, инсон шахсини таҳқирламайдиган мезонларни яратишдан иборат.

Жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга оширмай туриб, уни судда кўриш мумкин эмас, чунки жиноят содир этганликда айбдорликни кўрсатувчи далилларни қонунда белгиланган тартибда тўплаш, бу шахсга айб эълон қилиш зарур.

Дастлабки тергов жиноятни тез ва тўлиқ очиш, уни содир этган шахсни фош қилиш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, жиноятни бартараф этиш, унинг содир этилишига ёрдам берувчи сабаб ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва йўқ қилиш, шунингдек, жиноят туфайли етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мақсадида терговчи, суриштирувчининг иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолиятидир.

Дастлабки тергов жараёнида ҳақиқатни аниқланиш учун асосан процесс иштирокчиларидан сўроқ тергов ҳаракатини амалга ошириш орқали турли маълумотлар, хабарлар олинади. Лекин барча ҳолатларда ҳам жиноят-процессуал муносабатлар доирасига жалб қилинган шахслар иш ҳолатлари ҳақида ҳаққоний кўрсатмалар бермайдилар. Бундай ҳолларда аввал сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатмаларидаги жиддий қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказилади. Юзлаштиришда икки шахснинг турли маънавий, ахлоқий, ҳиссий ва психологик жиҳатлари бир-бирига қарши келади.

Юзлаштириш кўп ҳолларда иш ҳолатларини аниқлашнинг самарали воситаси бўлади. У тергов ва суд муҳокамаси жараёнида ҳозирги замон фан-техника воситаларининг барча ютуқларидан фойдаланиш имконини беради ва суд-тергов амалиётига фан-техника ютуқларини жорий қилишнинг асосий йўли ҳисобланади. Аммо шуни қайд этиш лозимки, юзлаштиришнинг натижалари бошқа далиллар олдида ҳеч қандай имтиёзга эга эмас.

1. ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар далиллар ёрдамида аниқланади ва жиноят ишига доир барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, далиллар мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарли деб тан олинади. Текшириш доирасини тўғри аниқлаш исботлаш предмети, исботлаш субъектининг фаоллиги, далилларнинг сифати ва сонига боғлиқ. Дастлабки тергов давомида исботлаш доираси муайян пайтда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Жиноят процессида ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг кўрсатмалари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади (ЖПК 81-м.).

Исботлаш – бутун жиноят-процессуал фаолиятга сингиб кетган ва жиноят процесси вазифаларининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш орқали амалга оширилишини таъминлайдиган мураккаб жараён. Исботлашнинг мазмунини, аввало, ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат процессуал ҳаракатлар мажмуи ташкил қилади (ЖПК 85-м.). Ушбу ҳаракатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади. Исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси ҳам эгадирлар. Ниҳоят, исботлашда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек ЖПК-да белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширувчи ва бурчларини бажарувчи бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳам жалб этиладилар.

Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади. Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этишга ҳақлидирлар.

Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар ЖПКда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадilar ҳамда мажбуриятларни бажарадилар. Исбот қилишнинг мазмунига далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари, шунингдек ушбу органлар билан фуқаролар ўртасида юзага келадиган муносабатлар ҳам ҳосдир. Исбот қилиш жиноят процессининг барча босқичларида мавжуд, чунки ҳамма жойда фактларнинг воқеликка мослиги аниқланади. Турли босқичларнинг вазифалари ва процессуал шакллариининг хусусиятларига қараб ҳолатларнинг хусусияти, далилларнинг етарлилиги, исбот қилиш воситалар ва далилларни олиш усуллари ўзгариши мумкин. Аммо далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолиятнинг асосий йўналиши – иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ўзгармай қолаверади.

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатмаларни ҳодиса жойида текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечирish; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ амалга оширадиган, жиноят ишининг ҳолатларини аниқлаш учун аҳамиятга эга фактик маълумотларни топиш, текшириш ва қайд этишга қаратилган процессуал ҳаракатлар *тергов ҳаракатлари* дейилади.

Процессуалист олим И. Е. Быховский тергов ҳаракатларини «терговчининг ҳамда қонун билан ваколат берилган бошқа шахснинг дастлабки тергов босқичида ҳамда янги очилган ҳолатларни тергов қилишда далилларни аниқлаш, текшириш, қайд этиш ва олиб қўйиш-

нинг жиноят-процессуал ҳуқуқ асосида ва унга мувофиқ равишда амалга оширадиган билиш фаолияти»¹ сифатида таърифлаган.

Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш чоғида ҳал қилинадиган вазифаларига кўра, ҳаракатларнинг ўзи икки мустақил гуруҳга бўлинади:

1) суриштирув органи, терговчи ёки прокурор дастлабки (судгача бўлган) тартибда далилларни аниқлаш, текшириш ва қайд этиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда фойдаланадиган ва тадқиқот хусусиятига эга бўлган тергов ҳаракатлари;

2) аввало, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бошқа тергов ҳаракатлари.

Биринчи гуруҳ тергов ҳаракатларига батафсилроқ тўхталамиз. Далилларни аниқлаш, қайд этиш ва текширишда фойдаланиладиган тергов ҳаракатларига қуйидагилар хосдир:

– сўроқ қилиш (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, баъзан эса мутахассис ва экспертни);

– юзлаштириш;

– таниб олиш учун кўрсатиш;

– кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;

– кўздан кечириш;

– гувоҳлантириш ва бошқалар.

Ҳар қандай ҳолда ҳам барча тергов ҳаракатларига қўйиладиган ўзгармас талаб шундаки, у фақат етарли асослар бўлгандагина ўтказилиши керак. Тергов ҳаракатининг асосланганлиги ҳар қандай мажбурлаш ёки кимнингдир ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш фақат ҳақиқатан ҳам зарур бўлганда, яъни муайян вазият шарт-шароитлари билан оқлангандагина юз беришини билдиради.

Тергов ҳаракатига қўйиладиган бошқа бир талаб шундаки, у қонуний бўлиши керак, яъни уни амалга оширишда қонунда белгиланган процессуал тартибга қатъий риоя этилиши керак. Бу эса йўл қўйиладиган ва йўл қўйилмайдиган ҳаракатлар доирасини назарда тутлади. Бу билан тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этувчи инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатланиши билан бирга, айтилганда, бунда олинган фактик маълумотларнинг процессуал яроқлилиги, бошқача айтганда, муайян иш бўйича уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йили 2 майда қабул қилган «Суд ҳукми

¹ *Быховский И.Е.* Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1976. – С. 6–7.

тўғрисида»ги 2-сонли қарорида: «Қонунни бузган ҳолда олинган ҳар қандай далил ҳукмга асос қилиб келтирилиши мумкин эмас»¹, деб тушунтириш берилади.

Тергов ҳаракатларини юритиш муқаррар равишда ахлоқий принциплар ва нормаларга асосланиши керак. Хусусан, уларнинг исталган турини ўтказишда ишда иштирок этувчи шахслар ва атрофдаги кишиларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига йўл қўйилмайди. Инсон соғлиғига хавф туғдириш тақиқланади. Бунда фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ўтказишга йўл қўйилади. Жиноят иши қўзғатилгунча ўтказилиши рухсат этилган тергов ҳаракатлари (қўздан кечириш, ушлаб туриш, экспертиза)гина бундан мустасно.

Тергов ҳаракатларининг бориши ва натижалари суд учун далил бўлиб хизмат қиладиган тегишли баённомаларда қайд этилиши керак. Тергов ҳаракатларининг натижаси, одатда, баённомаларда мустаҳкамланади, бир қатор ҳолатларда эса қарор бўйича ўтказилади.

Жиноят иши бўйича илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатмалари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда юзлаштириш ўтказилади. Бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган юзлаштириш аслида сўроқ қилиш турларидан биридир. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилинишлари мумкин.

Юзлаштириш ўтказиш чоғида сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига риоя қилинади. Юзлаштириш ўтказишнинг тартиби қуйидагича: сўроқ қилиш олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслигини, ўзаро муносабатлари қандай эканлигини сўрайди ва жавобларини тинглайди. Шундан сўнг ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама-қаршилик келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти, бундай қарама-қаршилик бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатма бергач, уларга кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билангина бошқа сўроқ қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991–1997. I том. – Т., 1997.

сўроқ қилинувчиларнинг ҳар иккаласига халқ маслаҳатчилари, шунингдек тарафлар савол беришлари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки юзлаштиришда аниқлаштирилаётган қарама-қаршиликка тааллуқли бўлмаган саволларни четлатишга ҳақлидир (ЖПК 123-м.).

Қонунда юзлаштириш чоғида илгариги кўрсатмаларни ўқиб эшиттиришга йўл қўйилади. Юзлаштириш чоғида сўроқ баённомаси ёки сўроқ қилинаётган шахслар аввалги сўроқларда берган кўрсатмаларининг фонограммалари шу шахслар юзлаштирилиб, уларнинг кўрсатмалари баённомага киритилганидан кейингина ўқиб берилиши ёки эшиттирилиши мумкин.

Юзага келган қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган юзлаштириш аслида сўроқ қилишнинг турларидан бири эканлиги, сўроқ негизида ривожланиб, ундан ажралиб чиққанлиги, шунингдек уни ўтказиш жараёнида сўроқ тергов ҳаракатининг умумий қоидаларига асосланиши сабабли сўроқ қилиш тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жинойят ишларини тергов қилиш жараёнида энг кўп учрайдиган тергов ҳаракатларидан бири сўроқ қилиш бўлиб, ким сўроқ қилинаётганидан қатъи назар, ушбу ҳаракат муайян умумий қоидаларга мос келиши керак. Сўроқ қилиш суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда амалга оширилади.

Жинойят процессида иштирок этувчи (гувоҳ, жабрланувчи), шунингдек ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи (озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи) суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилади. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақирилаётганлиги, қайси куни ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим. Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган вақти (йили, оyi, куни) ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим.

Сўроқ қилинувчининг шахси аниқланганидан кейин унга амалдаги ЖПКда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилганлиги сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Одатда, сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида сўзлаб бериш таклиф қилинади. Сўроқ қилинувчи эркин сўзлаб берганидан кейин унинг кўрсатмаларини тўлдириш ва аниқлашга қаратилган саволлар берилиши мумкин.

Сўроқ қилинувчининг кўрсатмалари статистик маълумотлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у сўроқ пайтида ўзидаги ёки ишга кўшиб қўйилган ҳужжатлардан ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин. Сўроқ қилинувчига сўроқ қилиш жараёнида ўзидаги ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни ўқиб эшиттиришга руҳсат этилиши мумкин. Бунинг устига суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга кўшиб қўйиши мумкин.

Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатмалари фақат унинг ҳозирги сўроқда берган кўрсатмалари тингланиб, қайд қилиниб, у имзо чекканидан кейин ва қуйидаги ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин:

- 1) ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатмалар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда;
- 2) сўроқ қилинувчи судда кўрсатма беришдан бош тортганда;
- 3) иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқиладиганида.

Ўз навбатида, сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи ва суд, шунингдек суд муҳокамасида тарафлар ишга кўшиб қўйилган ёки тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатишлари, шунингдек бу ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкин. Бунда сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённома-

сида қайси нарса ёки ҳужжат кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарса ёки ҳужжатни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатмалар берганлиги аниқ акс эттирилади.

Сўроқ жараёнининг ўзи ва унинг натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади. Бундан ташқари, сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.

Кўрсатмалар баённомага биринчи шахс номидан, имкон борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи томонидан четлатилган, шунингдек сўроқ қилинувчи жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Баённомада сўроқ қилинувчи томонидан аввалги сўроқларда берилган кўрсатмаларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатма бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва ҳужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш ўтказилгани ҳам қайд қилинади. Фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади.

Сўроқ тугаганидан кейин баённома ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинувчига кўрсатилади ёхуд унинг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан унга ўқиб берилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, сўроқ қилинувчи кўрсатмани ўз қўли билан ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Ушбу ҳолда ўз қўли билан ёзилган кўрсатма баённомага илова қилинади, бу ҳақда унга ёзиб қўйилади.

Сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган овоз, видеоёзув ёки кинотасвир намойиш қилиниши мумкин. Улар билан баённома ўртасида жиддий тафовут бўлган ҳолларда, тафовут сабабини аниқлаш учун янгитдан сўроқ қилиниши мумкин.

Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатмалари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб, тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, агар кўрсатмалар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади.

Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги кўрсатмасини унга оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатмаларини эса, ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатмалар ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шунингдек сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатмаларининг таржимасига имзо чекади.

Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексда қуйидаги ҳолларда қўшимча сўроқ ўтказилиши ҳам мумкинлиги белгиланган:

1) сўроқнинг умумий давом этиш вақти чекланганлиги боис сўроқ қилинувчи ишнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида кўрсатма бера олмаганида;

2) сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатмаларини тўлдириш ёки ўзгартириш истагини билдирганда;

3) айбланувчига янги ёки ўзгартирилган ёхуд қўшимча айблов эълон қилинганда;

4) суриштирувчи ёки терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмалари тўғри ёзилганлигини прокурор қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топганда;

5) суриштирувчи ёки бошқа терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмалари тўғри ёзилганлигини ишни юритиш учун қабул қилган терговчи қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топганда;

6) илгари сўроқ қилинган шахсга берилиши керак бўлган иш учун муҳим янги саволлар туғилганда;

7) шахс сўроқ қилинганидан кейин ишга киришган захирадаги халқ маслаҳатчиси ушбу шахсни янгитдан сўроқ қилишни талаб қилганда.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва мутахассисни сўроқ қилиш каби турларини ажратиш мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида кўрсатма бериш ушбу шахсларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи эканлиги ҳал этувчи ўринни эгаллайди. Гумон қилинувчи ва айбланувчи сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда сўроқ

қилинади. Айни пайтда, унинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Масалан, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилганидан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак.

Суриштирувчи ёки терговчи сўроққа чақирилган шахснинг кимлигини, қайси тилда кўрсатма бериши мумкинлигини аниқлайди, сўнгра унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ва қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчига унинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд, агар гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди;

3) гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлигини эълон қилади;

4) гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши ёки ҳисобламаслигини ёинки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини ҳам аниқлаши керак. Суриштирувчи, терговчи ушбу ҳаракатларнинг бажарилишини гумон қилинувчи ёки айбланувчининг сўроқ баённомасида, суд эса суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўяди.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатмалари ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим.

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатмалари ва айбланувчининг ўз айбига иқроп бўлиши мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олинishi мумкин. Бошқача айтганда, айбланувчининг айбига иқроп бўлиши «далиллар маликаси» сифатида тан олинган ўтмиш сабоқлари инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 май қарорида судланувчининг терговда ёки суд жараёнида айбига иқроп бўлганлиги ушбу факт иш бўйича тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар билан тасдиқланган

тақдирдагина айблов ҳукми чиқариш учун асос бўла олади, деб таъкидлайди¹. Бу эса айблов ҳукми тахминларга асосланиши мумкин эмаслиги бевосита белгилаб қўйилган ЖПКнинг 463-моддаси мазмунидан келиб чиқади.

Гувоҳнинг кўрсатмалари далилларнинг энг кўп тарқалган туридир. Улар деярли ҳар бир жинойт ишида мавжуд. Гувоҳнинг кўрсатмалари – унинг жинойт иши учун муҳим бўлган ҳолатлар ҳақида сўроқ вақтида берган ҳамда қонунда белгиланган тартибда баённомада қайд этилган оғзаки хабари.

Умуман олганда, ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Фақат қонунда белгиланган тоифадаги шахсларгина бундан мустасно. Уларга, қонун бўйича, аввало, *гувоҳлик иммунитетига* эга бўлган, яъни кўрсатма бериш мажбуриятидан озод қилинган шахслар киради. Улар фақат рози бўлсаларгина сўроқ қилинишлари мумкин. Уларга қуйидаги тоифаларга мансуб шахслар киради:

1) *дипломатик дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар*. Уларга нисбатан барча процессуал ҳаракатлар фақат уларнинг илтимоси ёки розилиги билан амалга оширилади. Розилиги Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўраб олинади;

2) *Олий Мажлис депутатлари* (депутатлик мажбуриятларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар бўйича);

3) *айбланувчининг (гумон қилинувчининг) яқин қариндошлари ва турмуш ўртоғи унга қарши далил бўладиган ҳолатлар бўйича*. Ушбу қариндошлар доираси қонунда белгиланган. Мазкур қоида ахлоқий табиатга эга бўлиб, инсонни жинойий жавобгарликка тортилишидан кўрқиб, яқинларига қарши кўрсатма бериш мажбуриятидан озод қилади (тоталитар давлат шароитида эса бу одатдаги ҳол, норма эди).

Қонун гувоҳлик иммунитетидан ташқари муайян тоифадаги шахсларни сўроқ қилишни бевосита тақиқлайди. Бу шахслар ҳеч қандай шароитда, улар буни ишаш-ишамаслигидан қатъи назар, сўроқ қилиниши мумкин эмаслигини билдиради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юридик адабиётларда баъзан ушбу «сўроқ қилиш иммунитети» ва «сўроқ қилишни тақиқлаш» тушунчаларини чалкаштириш (ёки, ҳар ҳолда, фарқламаслик) ҳоллари учраб туради. Аслида эса улар асло бир хил тушунчалар эмас. Ҳатто, ушбу фарқ, сиз кейинроқ гувоҳ бўла-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991–2006. I том. – Т., 2006.

диганингиздек, назарий жиҳатдан мавҳум эмас, балки жиддий аҳамиятга эга. Иммуниет – баъзи қонунларга бўйсунмасликдан иборат юридик ҳуқуқ. Ушбу тушунча бежизга «имтиёз» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ эмас. Тақиқ айни пайтда шахсни, ҳатто у буни истаган тақдирда ҳам, кўрсатма бериш ҳуқуқидан маҳрум этишни билдиради.

Қуйидагилар гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин эмас:

1) айбланувчининг ҳимоячиси – ҳимоячилик мажбуриятини бажараётганлиги муносабати билан ишнинг ўзига маълум бўлиб қолган ҳолатлари бўйича;

2) ўзининг жисмоний ёки руҳий камчиликлари туфайли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўғри идрок этиш ва улар ҳақида тўғри кўрсатмалар бера олмайдиган шахс;

3) адвокат, касаба уюшмаси ва жамоат ташкилотининг вакили – вакиллик мажбуриятини бажараётганлиги муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида.

Кўриб турганимиздек, ушбу рўйхатга, биринчидан, берадиган кўрсатмаси ишончли эканлигига бартараф этиб бўлмайдиган шубҳалар мавжудлиги сабабли, умуман олганда, далилий ахборот манбаи бўла олмайдиган шахслар; иккинчидан, ўз функцияларини нормал бажариши таъминланадиган, ҳимоясида (ёки вакиллигида) бўлган шахснинг очиқчасига айтган сўзлари унга қарши фойдаланилмаслиги учун у билан нормал муносабатлари кафолатланадиган шахслар киради.

Кўриб чиқилган тоифадаги шахслардан бошқа барча шахслар гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин. Қонунда гувоҳларга қандайдир ёш бўйича чеклашлар ҳам белгиланмаган. Зарур бўлганда, гувоҳ сифатида ёш бола ҳам сўроқ қилиниши мумкин.

Қонунда гувоҳлик мажбуриятларини бошқа қандайдир процессуал функциялар (судьялик, терговчилик, экспертлик ва бошқа функциялар) билан бирга бажариш тақиқланади. Фақат қонуний вакиллик функциясинигина гувоҳлик мажбурияти билан бирга бажариш мумкин. Мазкур шахслар иш бўйича қатнашган тақдирда улар рад этилиши лозим. Бу билан, аввало, жинойт ишини тергов қилиш ва судда кўришда иштирок этувчи мансабдор шахсларнинг холислиги таъминланади. Бундан уларни илгаридан шаклланган шахсий тасаввурлардан холис бўлишларига эришиш мақсади кўзланади.

Аммо гап фақат шундагина эмас. Гувоҳлик функцияларига бошқа сабаб туфайли ҳам устунлик берилади. Гувоҳ, далилий ахборот манбаи сифатида, тергов қилинаётган ҳодиса ҳолатларининг натижасида юзага келади ва шу боис уни мазкур вазифада алмаштириб бўлмади

(масалан, экспертни доимо алмаштириш мумкин). Шу муносабат билан гувоҳни рад қилиш мумкин эмас. Ҳеч бир шахсий манфаатдорлик, агар шахс иммунитетга эга бўлмаса, уни гувоҳлик мажбуриятларидан озод қилиш учун асос бўла олмайди.

Гувоҳнинг процессуал ҳолатига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари киритилади. Гувоҳ жиноят ишида терговчи ёки суд ҳузурига чақирилган пайдан бошлаб пайдо бўлади. Айнан шу пайдан эътиборан унда ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади ва у жавобгарликка тортилиши мумкин. Гувоҳнинг асосий мажбурияти терговчи ёки суднинг чақириғи бўйича ҳозир бўлиш ва тўғри кўрсатмалар бериш – иш бўйича ўзига маълум бўлган барча маълумотларни айтиш ва саволларга жавоб беришдан иборат. Гувоҳ узрли сабабсиз келмаган тақдирда мажбуран олиб келиниши мумкин, суд эса унга пул кўринишидаги жарима солишга ҳақли бўлади. Кўрсатма беришдан бош тортганлиги ёки бўйин товлаганлиги, шунингдек, била туриб ёлғон кўрсатма берганлиги учун гувоҳ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Гувоҳ ҳозир бўлиши учун сарфлаган харажатини қоплатиш, унинг ҳуқуқларини чеклаган терговчининг ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш, кўрсатмаларини ўз қўли билан ёзиб бериш, она тилида кўрсатмалар бериш, уни сўроқ қилиш ҳақидаги баённомага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Гувоҳ жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳар қандай ҳолат юзасидан сўроқ қилиниши мумкин, бу борада қонунда ҳеч қандай чеклов белгиланмаган. Гувоҳ кўрсатмаларининг предметига жиноятни содир этиш, уни тайёрлаш ёки яшириш ҳолатлари, содир этилган қилмишнинг оқибатлари, шунингдек, далилий омиллар аҳамиятига эга бўлган ҳар қандай бошқа ҳолатлар (масалан, айбланувчи билан жабрланувчи ўртасидаги адоват муносабатлари факти) кириши мумкин. Қонунда гувоҳ айбланувчи, жабрланувчининг шахси ва улар билан ўзаро муносабатлари масаласида сўроқ қилиниши мумкинлиги атайин белгилаб қўйилган.

Гувоҳ ўзи бевосита идрок этган ёхуд унга бошқа шахсларнинг сўзларидан маълум бўлган ҳолатлар ҳақида кўрсатма бериши мумкин. Биринчи ҳолда унинг кўрсатмалари асл далил, иккинчисида ҳосила далил бўлади. Бироқ, гувоҳ бошқа шахсларнинг сўзларидан ўзига маълум бўлган маълумотларни хабар қилаётганда ушбу маълумотларнинг манбаини айтиши керак, акс ҳолда унинг кўрсатмалари далилий аҳамиятга эга бўла олмайди.

Гувоҳ кўрсатмаларини тегишли процессуал шаклда, яъни тергов ёки суддаги сўроқ давомида беради. Сўроқнинг турларидан бири – юзлаштириш вақтидаги сўроқ. Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш бир қатор процессуал хусусиятларга эга. Гувоҳнинг терговчига берган кўрсатмалари уни сўроқ қилиш (ёки юзлаштириш) баённомасида, терговда эса суд муҳокамаси баённомасида қайд этилади. Терговчи гувоҳни сўроқ қилаётганида овоз ёзиш ускунасини қўллаши мумкин. Тайёрланган сўроқ фонограммаси жиноят ишида сақланади ва суд инстанцияларида эшиттирилиши мумкин.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари чин ва ёлғон (хато) бўлиши мумкин. Хўш, гувоҳларнинг била туриб ёлғон кўрсатма беришларига нималар *сабаб* бўлади?

Ушбу сабабларнинг энг кўп тарқалгани – гувоҳнинг шахсий манфаатдорлиги. Шу боис кўрсатмаларни баҳолаганда, биринчи навбатда, гувоҳнинг жиноят ишида иштирок этаётган шахслар (айбланувчи, жабрланувчи ва бошқалар) билан муносабатлари текширилади. Одатда, бегона шахслар, масалан, йўл-транспорт ҳодисасининг тасодифий шохидлари берган кўрсатмалар ишончлироқ бўлади.

Ҳозирги вақтда, афсуски, анча кўп тарқалган ва типик бўлган яна бир сабаб – оддий кўрқув, жиноятчилар ундан қасос ёки ўч олишидан хавотирланиш. Кўпинча гувоҳлар, айниқса, уюшган жиноятчиликка оид ишлар бўйича кучли таъсирга дуч келадилар, бунга қарши тура олмайдилар. Маълумки, бизда ҳалигача гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинмаган ва гувоҳ аслида таҳдид ва кўрқитишлар олдида ожиз, ҳимоясиз қолмоқда.

Ниҳоят, била туриб ёлғон кўрсатма беришнинг яна бир сабаби – хаёлпарастлик (тўқиб чиқариш). Катта ёшли кишиларда бу кам учрайди, аммо болалар хаёлпарастликка жуда мойил бўладилар. Буни уларнинг кўрсатмаларини баҳолашда инобатга олиш зарур.

Масалан, лақаби «Фишер» бўлган ва ўғил болаларни Москва атрофидаги ўрмонларда зўрлаб ўлдириб юрган манъяклардан бирининг жиноят ишини келтириш мумкин. Тергов даврида яқинида қотиллик содир этилган болалар оромгоҳларидан бирида унинг ходимлари ва болаларни сўроқ қилиш вақтида бир бола машҳур шахматчи Фишерга ўхшаган шубҳали кишининг ўрмонда санқиб юрганлигини кўрганлигини айтган. Кейинроқ аниқланишича, унинг бу кўрсатмалари ғирт фантазия бўлган (бола шахматга қизиққан). Аммо тергов боланинг кўрсатмаларига ишониб, узоқ вақт нотўғри издан борган.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари нафақат ахборотни қасддан бузиш натижасида, балки янглишиш, хато қилиш оқибатида ҳам ҳақиқатга мос келмаслиги мумкин. Гувоҳлар кўрсатмаларининг шаклланиши учта босқичдан иборат жараён бўлиб, идрок этиш, эслаб қолиш ва баён этиш босқичларини ўз ичига олади. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида хато ва нуқсонларга йўл қўйиш мумкин. Ҳодисани идрок этаётганда хатоликка гувоҳ соғлиғининг ҳолати, шахсий психофизиологик хислатлари (масалан, кўзининг анча ожизлашиб қолганлиги, кузатувчанлиги ёки, аксинча, паришонхотирлиги) унинг идрок этиш пайтидаги аҳволи (масалан, алкоғолли ичимликдан маст эканлиги ёки чарчаганлиги), идрок этиш пайтидаги шароит (сутканинг қайси вақти эканлиги, ёруғлик даражаси, об-ҳаво)га боғлиқ бўлиши мумкин.

Эслаб қолишнинг аниқлиги ҳам гувоҳнинг шахсий хислатларига, шунингдек, ҳодиса кузатилган пайтдан сўроқ пайтигача қанча вақт ўтганлигига боғлиқ.

Ниҳоят, идрок этилган нарсани баён этиш чоғида ҳам турли хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Ҳамма ҳам кўрганини ёки эшитганини саводли, аниқ ва равшан баён эта олмайди. Бу гап, айниқса, ёш болаларга тааллуқли. Ҳар қандай ҳолда ҳам сўроқ вақтида етарлича аниқланмаган, ноаниқ ифодаларнинг барчасига аниқлик киритиш лозим. Масалан, агар гувоҳ айбланувчи одобсизлик қилганлигини айтса, бу айнан нимада намоён бўлганлигини, у айнан қандай ҳаракатлар қилганлигини, яъни кўпол, ҳаёсиз ҳаракатлар бўлганми ёки оддий кўрслик, тарбиясизлик, ўзини одамлар орасида тута билмаслик бўлганми – ана шуни аниқлаш лозим. Гувоҳ ишлатган шевалар, диалектлар ва жаргон ифодалар иш материалларида доимо изоҳланиши керак.

Умумэътироф этган қоидага кўра, гувоҳларнинг кўрсатмаларида гувоҳнинг хулосалари эмас, балки идрок этилган фактлар ҳақидаги маълумотларгина аҳамиятга эга. Аниқ фактларга асосланган хулосаларни фақат терговчи ва суд чиқаришлари мумкин. Аммо бунда қуйидагиларни инобатга олиш зарур: *биринчидан*, гувоҳнинг кўрсатмаларида, ҳар қандай нутқда бўлгани каби, баҳоловчи ҳукмлар (масалан, «баланд-паст», «тўқ-оч»), шунингдек, бирор нарса ёки кимсани (масалан, айбланувчини бахил ёки шафқатсиз деб) тавсифлаш бўлиши мумкин ва муқаррар. Агар гувоҳ бундай хулосага олиб келган факт ва маълумотларни келтира олса, бундай баҳолар ҳам далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин; *иккинчидан*, бу «билимдон» гувоҳларга, яъни махсус билимларга эга бўлган шахсларга (масалан, ўлган шахснинг

даволаган шифокори ёки йўл-транспорт ҳодисасининг шоҳиди бўлган профессионал ҳайдовчига) тааллуқли эмас. Бундай шахсларнинг идрок этган нарсалари асосида қилган хулосалари (албатта, тегишлича текширилиб, баҳоланганидан сўнг) далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатган шифокорнинг қўйган ташхиси ана шундай далил вазифасини бажариши мумкин.

Гувоҳнинг кўрсатмаларини текшириш, биринчидан, уларнинг мазмуни, тўлиқлиги, зиддиятсизлиги каби жиҳатларини текшириш орқали амалга оширилади. Иккинчидан, гувоҳнинг кўрсатмалари жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар, жумладан бошқа шахсларнинг кўрсатмалари билан қиёсланади. Ниҳоят, гувоҳ кўрсатмаларининг тўғрилигини текшириш учун эксперимент, кўздан кечириш, бошқа шахсларни сўроқ қилиш каби тергов ҳаракатлари ўтказилиши, экспертиза тайинланиши мумкин. Гувоҳнинг кўрсатмалари бошқа шахсларникига зид келган тақдирда юзлаштириш ўтказилиши мумкин.

Жабрланувчининг кўрсатмалари унинг иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақида сўроқ вақтида берган ва қонунда белгиланган тартибда қайд этилган оғзаки хабарлари ҳисобланади. Жабрланувчи жиноят ишида терговчи (судья)нинг қарорида ёки суднинг ажримда жабрланувчи сифатида тан олинганидан сўнг пайдо бўлади. Жабрланувчи, жиноятдан зиён кўрган шахс сифатида, манфаатларини ҳимоя қилувчи бир қатор ҳуқуқларга эга. Қонунчиликда тортишув принципи ривожланиши билан жабрланувчининг ҳуқуқлари кенгайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шу муносабат билан жабрланувчининг кўрсатмалари, бир томондан, гувоҳнинг кўрсатмалари каби, далил бўлувчи ахборот манбаи, бошқа томондан эса, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш воситасидир. Жабрланувчи учун, гувоҳдан фарқли равишда, кўрсатма бериш нафақат мажбурият, балки ҳуқуқ ҳамдир. Бу агар у кўрсатма бериш истагини билдирса, терговчи (суд) уни рад этишга ҳақли эмаслигини билдиради.

Жабрланувчи, худди гувоҳ каби, ўзининг яқин қариндошларига қарши кўрсатма беришга мажбур эмас (агар, масалан, айбланувчи унинг яқин қариндоши бўлса).

Жабрланувчи, худди гувоҳ каби, тегишли иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳар қандай ҳолат юзасидан, шунингдек, ўзининг айбланувчи билан муносабатлари ҳақида сўроқ қилиниши мумкин. Лекин, гувоҳдан фарқли ўлароқ, жабрланувчи ишнинг барча материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга. У суд муҳокамасининг тенг

ҳуқуқли иштирокчисидир. Шу боис у ўзининг кўрсатмаларида ўзига маълум бўлган аниқ фактларни айтиб беришидан ташқари, иш бўйича тўпланган бошқа далилларга баҳо бериши, ўзининг розилиги ёки рози эмаслигини баён этиши мумкин. Шу муносабат билан жабрланувчи кўрсатмаларининг предмети гувоҳниқига қараганда кенгроқ.

Жабрланувчининг кўрсатмаларидаги аниқ далилий ахборот ҳам гувоҳ кўрсатмаларининг баҳоланишига асос бўладиган қоидалар асосида баҳоланади.

Жабрланувчи, худди гувоҳ каби, кўрсатмалар беришдан бош тортганлиги ёки бўйин товлаганлиги, шунингдек, ёлғон кўрсатма берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (юқорида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно). Бу унинг кўрсатмалари тўғри бўлишининг муҳим қафолатларидан биридир.

Шу билан бирга, жабрланувчи, гувоҳдан фарқли равишда, одатда ишнинг натижасидан манфаатдордир. Ушбу ҳолат унинг содир этилган жиноят ҳолатлари бўйича берган кўрсатмаларининг холислигига ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, жабрланувчилар кўпинча ўзларига нисбатан туғилган хавфни, етказилган зиённи бўрттиришга, жиноят содир этилишига ёрдам берган ножўя хатти-ҳаракатларини (масалан, тасодикий танишларини хонадонларига таклиф қилганликларини) яширишга мойил бўладилар. Жабрланувчининг кўрсатмаларини баҳолашда буларнинг барчасини инобатга олиш зарур.

Гувоҳ ҳам, жабрланувчи ҳам сўроқ қилишнинг умумий қоидалари бўйича сўроқ қилинади. Қуйида келтирилган шахсларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш мумкин эмас:

1) ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида – судьяни ва халқ маслаҳатчисини;

2) жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – ҳимоячини, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилини;

3) руҳий ёки жисмоний нуқсонли сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатма бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмас.

Жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошларини сўроқ қилиш зарурати туғилса, улар гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан

сўроқ қилиниши керак, бу илмий адабиётларда қисман гувоҳлик иммунитетиди сифатида қайд этилган¹.

Сўроқ қилиш учун чақирилган гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқланади ва унга тегишли процесс иштирокчисининг процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилади, сўнгра у кўрсатма беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатма берганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 238, 240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Шу билан бирга, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатма беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар. Гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида сўроққа чақирилган шахс тегишли органлар ва мансабдор шахслар томонидан аниқланаётган ҳолатлар ўзида давлат сирларини ёки касб сирини ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттиради деб баҳона қилиб, кўрсатма беришдан бош тортишга ҳақли эмас. Агар аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзида давлат сирини ёки касб сирини акс эттиради ёхуд шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонларига тегишли деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида бу ҳолатларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради. Масалан, терговчи ишдаги материалларни процесс иштирокчиларига таништириш пайтида дастлабки терговнинг маълумотларини ошкор қилмаслик тўғрисида тилхат олиши мумкин.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатмалари бир қатор ҳолларда жиноят иши учун катта аҳамиятга эга бўлади. Гувоҳ ёки жабрланувчи процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганидан кейин жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар билан ўзаро муносабатлари, гувоҳ эса, шунингдек жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги саволларга жавоб беради. Шундан сўнг сўроқ қилувчининг таклифига кўра гувоҳ ёки жабрланувчи иш бўйича ўзлари билган барча маълумотларни айтиб берадилар. Улар иш учун аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай

¹ Масалан, қаранг: *Порубов Н.И.* Научные основы допроса на предварительном следствии. – Минск, 1998. – С.115.

ҳолат тўғрисида, шу жумладан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари шахси ҳақида ҳам кўрсатмалар беришлари мумкин.

Тергов олиб борилаётган жойда ёки судда бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатма беришга хоҳиш билдирса, улар қоида тариқасида ўша куннинг ўзида ёки кейинги кундан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак.

Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бундай шахсларни сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин. Бундай гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатма беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар. Бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатма бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади.

Шундай қилиб, юзлаштириш икки нафар илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмаларида жиддий қарама-қаршиликлар юзага келса, ўтказиладиган тергов ҳаракати бўлиб, у далилларнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Юзлаштириш тергов ҳаракати орқали ишдаги мавжуд ноаниқликлар самарали тарзда бартараф этилиши имконияти вужудга келади.

2. ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ

Юзлаштириш тергов ҳаракати, илгари таъкидланганидек, икки нафар сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмаларида вужудга келган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун бир вақтда ўтказиладиган сўроқдир. Юзлаштиришнинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, улар иштирокчиларига кўра фарқланади. Масалан:

- икки гувоҳ ўртасидаги юзлаштириш;
- икки жабрланувчи ўртасидаги юзлаштириш;
- икки гумон қилинувчи ўртасидаги юзлаштириш;
- икки айбланувчи ўртасидаги юзлаштириш;
- гувоҳ ва жабрланувчи ўртасидаги юзлаштириш;
- гувоҳ ва гумон қилинувчи ўртасидаги юзлаштириш;
- гувоҳ ва айбланувчи (судланувчи) ўртасидаги юзлаштириш;
- айбланувчи ва гумон қилинувчи ўртасидаги юзлаштириш;
- жабрланувчи ва гумон қилинувчи ўртасидаги юзлаштириш;
- жабрланувчи ва айбланувчи (судланувчи) ўртасидаги юзлаштириш ва ҳоказо.

Юзлаштириш ўтказишнинг тартиби ЖПКда аниқ белгилаб қўйилган. Юзлаштириш пайтида сўроқ қилишдан аввал қатнашаётган шахсларга бир-бирларини билиш-билмасликлари, ораларида қандай муносабатлар борлиги тўғрисида саволлар берилади, Бундай саволларни ойдинлаштириш юзлаштиришда олинadиган кўрсатмаларга тўғри баҳо беришга имкон яратади ҳамда асоссиз айбномаларни бартараф этишга ёрдам беради (агар шахсий адовати бўлган бирор шахс юзлаштиришда бошқа шахсни айбласа ёки ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлса).

Шундан сўнг юзлаштириш қатнашчиларига терговчи юзлаштириш тартибини тушунтиради, яъни улар терговчининг рухсатсиз бир-бирига савол бериши, имо ишора қилиши, тинчликни сақлаб, ўзини ва бошқанинг қадр-қимматини эъзозлаш талабларига риоя қилиши тушунтирилади. Кейин иккита сўроқ қилинувчи терговчининг қўйган саволига бирма-бир, маълум кетма-кетликда жавоб берадилар ва ушбу саволлар бўйича юзлаштириш ўтказилган бўлади.

Юзлаштириш маълум руҳий хусусиятларга эга бўлиб, бошқа сўроқ қилиш ҳаракатларидан фарқ қилади. Биринчидан, юзлаштириш пайтида мураккаб руҳий муносабатлар юзага келади. Тергов зиддият-

ли ҳолатга ўтиб кетади, чунки биринчи шахснинг берган кўрсатмалари иккинчи шахснинг берган кўрсатмаларга қарама-қарши бўлади. Иккинчидан, юзлаштиришда сўроқ қилинувчилардан бири ҳақиқий кўрсатма берса, иккинчиси ёлғон кўрсатмага ёпишади. Юзлаштиришда ёлғон кўрсатма берган шахсга таъсир ортиб боради. Учинчидан, юзлаштиришда жиноят ҳодисаси ва сўроқ предмети билан алоқадор икки шахс учрашади. Иккинчи шахснинг юзлаштириш жараёнида иштирок этиши эсдан чиққан фактларни ёдга олиш имкониятини вужудга келтиради ва юзма-юз учрашган шахсга нисбатан унинг воқеликда бўлган ҳаракатлари хусусида кўрсатмалар батафсил олинади. Бу эса маълумотларни қабул қилиш ва эслаш жараёнларида унутилган нарсаларни эслашга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга имкон беради. Кўрсатмалар янада аниқроқ, воқеликка тўғрироқ бўлади.

Юзлаштириш қатнашчилари руҳий жиҳатдан унга тайёр бўлишлари лозим. Гувоҳни юзлаштириш бўлиши тўғрисида огоҳлантириши керак ва юзлаштиришда айбланувчи иштирок этиши тўғрисида унга хабар бериш лозим. Шунга асосан ундан берган кўрсатмаларини ҳимоя қилиши тўғрисида сўраб, агар айбланувчи ўз кўрсатмаларида туриб олиб, унга қарши кўрсатма берадиган бўлса, у ўзининг кўрсатмаларидан тонмаслиги тўғрисида савол берилади. Терговчи гувоҳ берган кўрсатмаларига нақадар боғланганлигини, унга таъсир этиш ва унинг руҳий мустаҳкамлигини текшириши лозим. Агар у юзлаштиришда берган кўрсатмаларидан воз кечса, у ҳолда айбланувчининг воқеликка тўғри бўлмаган кўрсатмалари устун бўлиши хавфи юзага келади (агар унинг сохта кўрсатмалари бошқа далилларга зид бўлса).

Юзлаштиришдан аввал терговчи қуйидаги тайёргарлик ҳаракатларини ўтказиши керак:

1) кўрсатмалардаги бор зиддиятларга баҳо бериб, улар иш бўйича аҳамиятга эга ёки эга эмаслигини аниқлаши керак;

2) иш бўйича катта аҳамиятга эга зиддиятларни бартараф этиш учун уларни юзлаштириш йўли билан йўқ қилиш ва бу тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида тактик қарорга келиш лозим (зиддиятларнинг бошқа тергов ҳаракатлари асосида бартараф этилишининг имкони йўқлиги);

3) юзлаштириш вақти ва жойини белгилаш;

4) юзлаштирувда қатнашувчи шахсларни ўрганиш ва улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш;

5) юзлаштириш режасини тузиш лозим ва унга юзлаштириш предметини, унда иштирок этувчи шахсларнинг юзлаштиришда қиладиган хатти-ҳаракатларининг вариантларини таҳлил қилиш, сўроқ-

нинг кетма-кетлигини белгилаш, саволларнинг шакли ва кета-кетлигини белгилаш далилларни тайёрлаш;

6) юзлаштиришда ишлатиладиган қайд қилувчи воситаларни (қалам, қоғоз, босма машинка, магнитофон, видеоёзув асбобларини, ёритгичларни ва ҳ.к.) тайёрлаб қўйиш;

7) юзлаштиришда чақириладиган шахсларни тегишли санада ва вақтда келиши чораларини кўриш. Шунингдек, юзлаштиришда зарурий равишда бошқа шахслар иштирок этса (масалан, вояга етмаган айбланувчининг ҳимоячиси) бундай шахсларни юзлаштиришга чақириш тадбирларини қабул қилиш.

Юзлаштиришда терговчи саволни биринчи бўлиб ҳақиқий кўрсатма бераётган шахсга беради. Бундай тартиб қуйидаги сабабларга кўра қўлланилади: ҳақиқатга тўғри бўлган кўрсатма ёлғон кўрсатма бераётган шахсга қаттиқ таъсир қилади ва уни ҳақиқий кўрсатмага рози бўлишга ундайди.

Юзлаштиришда терговчи эҳтиёткор бўлиши лозим, агар вояга етмаган шахс ҳақиқатан тўғри кўрсатма бераётган бўлса, вояга етган ва ёлғон кўрсатма бераётган шахс унга салбий таъсир кўрсатиши ва натижада вояга етмаган шахс ўзининг кўрсатмаларидан воз кечиши ҳам мумкин.

Юзлаштиришда ишлатиладиган усуллар қуйидагилардан иборат: юзлаштириш иштирокчиларининг кўрсатмаларини майдалаштириш; зиддиятларни аниқлаб, уларнинг сабабларини билиб олиш; қатнашувчи шахсларнинг ёдидан кўтарилган ахборотни эслатиш ва шу мақсадда уларга далилларни тақдим этиш, уларнинг эсида бор бўлган ассоциатив алоқаларни фаоллаштириш; аввал сўроқ қилинган шахсларнинг ҳақиқий кўрсатмаларини ишлатиш; юзлаштиришни воқеа содир бўлган жойда ўтказиш.

Юзлаштириш қатнашчиларига нисбатан рухий таъсир қилиш, ёлғон кўрсатмаларни баён қилишда қийинчилик туғдириш учун юзлаштиришнинг асосий мақсадини вақтинчалик ниқоблаш, тўсатдан ҳаракат қилиш ва ёлғон кўрсатма берувчи шахснинг онгида терговчи ҳаддан ташқари кўп ахборотга эгаллиги ёки ҳаддан ташқари кам ахборотга эгаллиги тўғрисида фикрни шакллантириш, янги далилларни ишлатиш, юзлаштиришда учинчи шахсни жалб этиш (ота-онасини, қонуний вакилини, муаллимни, прокурорни, ҳимоячини) каби тактик усуллар ишлатилади.

Юзлаштириш предметини бўлиш, жиноятни содир этган шахслар ва ҳақиқий кўрсатма бераётган жиноят содир этишда иштирок этган

шахслар ўртасидаги юзлаштириш бир қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқаради.

Юзлаштириш предмети бир неча баҳсли саволларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири алоҳида юзлаштириш жараёнида аниқланиши мумкин ёки ҳар бирини аниқлаштириш мақсадида алоҳида юзлаштириш ўтказиш мумкин. Бундай майдалаштириш юзлаштириш қатнашчиларининг кўрсатмаларини тўлиқроқ, асосланган шаклга айланишини таъминлайди.

Терговчи юзлаштириш пайтида сўроқ тергов ҳаракатига нисбатан бир қатор ютуқли жиҳатларга эга. У илгари амалга оширилган ҳаракатлар давомида юзлаштиришда иштирок этадиган шахслар билан учрашган, уларнинг характерларини ўрганиб олган бўлади. У ушбу шахсларнинг сўроқ ва юзлаштириш пайтидаги ҳолатларини баҳолашга қодир бўлади, бу эса, ўз навбатида, унга кўрсатмаларнинг ҳақиқий ёки ёлғонлиги хусусида дастлабки хулосаларни қилишига ва тергов ҳаракатини ўтказишнинг тактикасини тўғри танлашга имкон яратади.

Юзлаштириш ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи терговчи томонидан доимо мавжуд қарама-қаршиликларнинг моҳияти, мавжуд тергов вазияти ва юзлаштирилувчи шахсларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Икки нафар ёлғон кўрсатма бераётган шахс орасида юзлаштириш ўтказиш тактик жиҳатдан нотўғри бўлади, чунки тергов амалиётининг гувоҳлик беришича, бу ҳолат мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этишга имкон бермайди, аксинча сўроқ қилинаётган шахсларнинг ўзаро бир-бирининг ҳаракатларини тушуниб олиш ва келишиши, ёлғон кўрсатмалар бериши учун замин туғдиради. Масалан, Тошкент шаҳри Юнусобод туманида содир этилган безорилик жинояти бўйича сўроқ қилинган М. исмли гумон қилинувчи жиноят А. исмли гумон қилинувчининг ташаббуси билан бошланганлиги ва у кўпроқ зарар етказганлиги ҳақида кўрсатма беради. А. эса ўз айбини тан олмайди. Терговчи шу ҳолатда юзлаштириш ўтказганида М. нафақат ўз кўрсатмаларидан воз кечади, балки А.нинг жанжални жабрланувчи бошлаганлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини ҳам тасдиқлайди¹. Бу эса терговчининг тўплаган маълумотларига нисбатан ишда қарама-қаршиликнинг вужудга келишига олиб келади.

Шу сабали юзлаштириш ўтказиш ҳақидаги масалани ҳал этишда ўз айбини қисман тан олиб, ёлғон кўрсатма беришга мойил бўлган

¹ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ тергов бўлими иш юритувидаги 12/15-5496 сонли жиноят иши

айбланувчи ва терговга қаршилик кўрсатишга астойдил киришган айбланувчи ўртасида юзлаштириш ўтказиш хатарли эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Улар ўртасидаги юзлаштириш натижасида биринчи айбланувчи ҳам ёлғон кўрсатмалар бериш йўлига ўтиб кетиши мумкин.

Шу билан бирга, айбланувчи ва у ҳақда фош этувчи маълумотларни берган қариндоши ўртасида ҳам юзлаштириш ўтказиш тавсия этилмайди. Чунки айбланувчининг кўрсатмаларида ўзининг кўрсатмаларига зид маълумотларни эшитганидан сўнг улар раҳм-шафқат ҳиссиётларига берилиб кетиб, ўз кўрсатмаларини ёлғон кўрсатмаларга алмаштириши мумкин.

Бундай ҳолатларда, агар иш бўйча қарама-қаршиликлар вужудга келган бўлса, уларни юзлаштириш эмас, балки бошқа ҳаракатлар (масалан, қўшимча сўроқ ўтказиш, унинг давомида ҳужжатлар ва бошқа далилларни келтириш, бошқа шахс кўрсатмалари фонограммасини эшиттириш ва ҳоказолар) қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Одатда, юзлаштириш тергов ҳаракатида сўроқ қилинаётганларнинг биттаси тўғри (ёки қисман ҳаққоний) кўрсатма берса, бошқаси ёлғон кўрсатма беради. Шунинг учун терговчи юзлаштириш тергов ҳаракатига тайёргарлик босқичида сўроқ қилинадиганлардан қайси бири рост, қайсиниси ёлғон кўрсатма бераётганлигини аниқ билиши, аниқлаштириб олиши лозим. Бу терговчига юзлаштириш вақтида рост кўрсатма бераётган иштирокчини ўзига ёрдамчи сифатида жалб қилишга ва ёлғон кўрсатмаларни фош этишга ёрдам беришида ўз аксини топади.

Шу сабабли иштирокчилардан қайси бирига биринчи бўлиб савол берилишини аниқлаб олиш юзлаштиришга тайёргарликнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Криминалистик тактика фанида ушбу ҳолат бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– агар сўроқ вақтида иштирокчилардан бири муайян ҳолатни тасдиқлаган, бошқаси эса уни инкор этган бўлса, ижобий кўрсатма берган шахсни биринчи бўлиб саволга тутиш керак;

– агар шахс ўз кўрсатмаларида бошқасини фош қилган бўлса, аввало, уни сўроқ қилиш керак;

– агар юзлаштириш бошқа шахснинг иштироқида кўрсатма бериш истагини билдирган шахснинг илтимосига кўра амалга оширилган бўлса, уни биринчи сўроқ қилиш керак;

– агар юзлаштириш иштирокчиси бошқа шахс томонидан келтирилган маълумотларни рад этаётган ва у ўз кўрсатмаларини унинг иштирокида қайтаришини талаб қилаётган бўлса, биринчи бўлиб юзлаштириш талаб қилган шахсни эмас, балки иккинчи шахсни сўроқ қилиш керак;

– юзлаштиришда, терговчининг фикрича, биринчи тўғри кўрсатма бераётган шахсни сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аммо муайян вазиятларда юзлаштириш жараёнида биринчи бўлиб ёлғон кўрсатма берган шахсни сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ бўладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– агар терговчи асосланган равишда ёлғон кўрсатма бераётган шахсининг ёлғон гаплари бошқа иштирокчининг процессуал фаоллигини оширишга хизмат қилади ва у ўзининг кўрсатмаларини тўлдирish истагини билдиради, деб фикрласа;

– агар терговчи инсофсиз иштирокчининг бошқа сўроқ қилинувчига таъсир ўтказмоқчилигини ва унинг бу ҳаракатлари зое эканлигини билса ҳамда юзага келадиган вазиятдан ҳаққоний кўрсатмалар олиш учун фойдаланмоқчи бўлса.

Баъзан тергов амалиётида гувоҳнинг манфаатдор шахслар таъсири натижасида ўзининг кўрсатмаларини айбланувчи фойдасига ўзгартириши, айбланувчининг ўзи эса ҳаққоний кўрсатма бериши ва ўзининг жиноят содир этишдаги айбини бўйнига олиши ҳолатлари учраб туради. Бундай шароитларда терговчи айбланувчига чин дилдан пушаймон бўлишнинг ижобий томонларини тушунтириш, унинг позициясини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етмаган Аскар А.га нисбатан йўл-транспорт ҳодисасида тан жароҳати етказилиши факти юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича Ф. исмли шахс айбланган. У дастлаб ёш болани уриб кетганлигини ҳам, автомашинани маст ҳолатда бошқарганлигини ҳам инкор этган. Тергов давомида йўл-транспорт ҳодисаси вақтида автомашинада Абдукарим В. исмли шахс ҳам бўлганлиги аниқланади ва у ҳам ҳайдовчининг автоҳалокат содир этмаганлигини ва маст бўлмаганлигини таъкидлаган. Кейинчалик, тўпланган далиллар билан фош этилган Ф. ўз айбига тўла иқроқ бўлган ва ҳаққоний кўрсатма берган. Лекин Абдукарим эса айбланувчининг яқинлари таъсирида ёлғон кўрсатма беришни давом эттираверган. Терговчи айбланувчининг руҳий ҳолатини тушунган ва унинг хатти-ҳаракатларини қувватлаган ҳолда гувоҳ ва айбланувчи ўртасида юзлаштириш ўтказди. Айбланувчи-

нинг кўрсатмалари гувоҳ учун умуман кутилмаган бўлганлиги сабабли у эсанкираб қолади ва шу тергов ҳаракатининг ўзидаёқ ҳаққоний кўрсатма беради¹.

Икки айбланувчи ўртасида юзлаштириш ўтказишга тайёргарлик ва уни ўтказиш тактикаси уларнинг ўз айбларига қанчалик иқрорлиги даражаси боғлиқ. Баъзида гуруҳий жиноят содир этишда айбланаётган шахслардан бир қисми илгарироқ, бошқалари эса кейинроқ ўз айбларига иқрор бўладилар. Бундай ҳолларда ҳаққоний кўрсатма бераётган айбланувчининг кўрсатмалари терговчи томонидан бошқа айбланувчилардан кўрсатмалар олиш учун ишлатилиши керак.

Жиноятнинг ташкилотчиси ва бошқа иштирокчилари ўртасида юзлаштириш ўтказиш махсус тайёргарлик ўтказилишини талаб қилади. Чунки ташкилотчи жинойий гуруҳдаги ўзининг мавқеидан фойдаланган ҳолда бошқа сўроқ қилинувчиларга салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Бундай ҳолда терговчи тайёргарликни ташкилотчининг ҳаракатларидан норози бўлган ва келиб чиққан вазиятда уни айблаётган шахсларни топиш орқали ҳам амалга ошириши керак бўлади. Бундай шахсларнинг кўрсатмалари терговчининг ижтимоий хавfli шахсни жамиятдан ажратиш мақсадини терговга ёрдам беришнинг ижобий жиҳатлари ва инсонийлик бурчини бажариш зарурати билан қўллаб-қувватланиши орқали амалга оширилиши керак.

Юзлаштириш ўтказишга тайёргарликнинг ажралмас қисми бўлиб, терговчи томонидан сўроқ қилинувчиларнинг хатти-ҳаракатларини ва ўзини тутишини олдиндан башорат қилиш ҳисобланади. Бу ҳаракат терговчи томонидан жиноят иши материалларини, сўроқ қилинувчиларнинг шахсини чуқур ўрганишда ва бериладиган саволларга уларнинг ҳар бири қандай жавоб беришини, кейинчалик қандай саволлар берилишини ўйлаб қўйишда, уларнинг бир-бирига қандай таъсир кўрсатишини, далиллар келтирилганда қандай ўзини тутиши ва бошқа ҳолатларни башорат қилишда намоён бўлади. Бу нарса терговчига олдиндан бериладиган саволларни тайёрлаб қўйиш ва ёлғон кўрсатмаларга қарши курашда тактик усулларни танлаш учун имкон яратади.

Сўроқда ишлатиладиган техник воситалар юзлаштириш пайтида ҳам ишлатилиши мумкин. Шунинг учун юзлаштириш жараёнида унда иштирок этаётган шахсларнинг ўзаро келишиб олишларини, таъсир ўтказишининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадларида видео-

¹ Юнусобод тумани жиноят ишлари бўйича судининг 2014 йил учун жорий архиви

ёзувни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу юзлаштириш иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини динамик ривожланиш шароитида кузатишга ва уларнинг кўрсатмаларини баҳолашга имкон беради. Агар қўшимча қайд этиш воситаси сифатида диктофон ёки магнитофон қўлланилаётган бўлса, ҳар бир жавобдан олдин иштирокчининг фамилиясини айтиш лозим бўлади. Агар бу талабларга риоя этилмаса, фонограмма тушунарсиз бўлиб қолади.

Юзлаштириш унинг иштирокчилари илгари берган кўрсатмаларига бошқа қўшимчалари ва бир-бирига саволлари йўқлигини билдирганларида, қатнашаётган шахслар ўзларининг кўрсатмаларини бошқа қўшимчалар билан тўлдиришга имконлари бўлмаса ва бир-бирларига бошқа саволлари йўқ бўлса, якунига етган ҳисобланади. Юзлаштириш ўтказилгани тўғрисида баённома тузилади ва унда кетма-кетлик асосида терговчининг саволлари ва қатнашувчи шахсларнинг жавоблари қайд этилади. Юзлаштиришда кўрсатмаларни қўшимча равишда қайд этиш учун диктофон ёки видео ёзув ускуналари ишлатилиши мумкин ва бу ҳақида баённомага тегишли ёзувлар, белгилар киритилиши ва уларнинг ишлатилганлиги тўғрисида юзлаштириш бошланишидан аввал огоҳлантирилиши шарт.

Демак, юзлаштириш ҳаракатини қайд этиш далиллар тўплаш жараёнининг энг муҳим қисмларидан бўлиб, ЖПКнинг 22-моддасида кўрсатилган мақсад – иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради. Юзлаштиришда зиддият бартараф этилади, аммо уни процессуал қайд этмаслик вазияти бу фактни яроқсиз (номақбул) далилга айлантириб қўяди.

3. ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

Терговчи юзлаштиришни унинг иштирокчиларини бир-бирларини танишлари ва қандай муносабатда эканликларини аниқлашдан бошлайди. Биринчи бўлиб сўроқ қилинадиган шахсга у муайян факт тўғрисидаги маълумотни аниқлаштирувчи кўрсатмалар беришига қаратилган саволни беради. Эркин сўзлаш шаклидаги жавобни эшитиб бўлгач, терговчи кўрсатмаларни аниқлаштириш ва текширишга қаратилган саволларни беради. Кейинчалик иккинчи сўроқ қилинувчидан эшитганларини тасдиқлаши ёки инкор этиши сўралади. Ҳар қандай ҳолатда у эшитганларини тўлиқ тасдиқласа ҳам, қисман ёки умуман тасдиқламаса ҳам – иккинчи иштирокчининг кўрсатмалари тўлиқ эшитилади ва тергов ҳаракати баённомасида қайд қилинади. Лекин уларнинг берган кўрсатмаларида қарама-қаршиликлар сақланиб қолган бўлса, ҳар бир иштирокчига уларнинг сабабларини тушунтириб бериш ва бошқа шахснинг кўрсатмаларини баҳолаш таклиф этилади.

Шундан сўнг терговчи сўроқ қилинаётган шахсларда бир-бирларига саволлари бор ёки йўқлигини сўрайди. Агар саволлари бўлса, терговчи бундай имкониятни яратиб беради. Юзлаштиришни шундай ташкиллаштириш лозимки, унда тергов ҳаракати иштирокчилари саволларни бевосита бир-бирига эмас, балки терговчи орқали беришлари лозим. Бу нарса саволларда келтирилаётган маълумотларнинг ҳажминини назорат қилиш ва ёлғон кўрсатмалар бераётган шахснинг бошқасига таъсир ўтказмаслигини олдини олиш, тергов ҳаракати тартиби бузилишини бартараф қилиш учун хизмат қилади.

Баъзан, терговчи тўғри кўрсатма бераётган иштирокчининг мустаҳкам нуқтаи назарга эгаллигига ишонса, у бевосита саволлар беришни ушбу шахсга ҳам топшириши мумкин. Бу таклифнинг самарали томони шундан иборатки, воқеадан хабардор ва аниқ биладиган шахснинг саволлари бошқа сўроқ қилинаётган шахсга ёлғон маълумотлар беришни қийинлаштиради. Лекин бундай шароитда тергов ҳаракати ва унинг ўтказилиши жараёни устидан назоратни йўқотмаслик шарт, чунки назорат бўлмаган ҳолларда тергов ҳаракати бузилиши эҳтимоли кучаяди.

Фуқаро В.га нисбатан босқинчилик содир этишда айбланаётган Т. ва У. жиноят иши бўйича терговчи уларнинг ҳар биридан етарли кўрсатмалар олади. Лекин улар босқинчиликнинг ташкилотчиси ким

эканлиги тўғрисидаги масала бўйича бутунлай қарама-қарши кўрсатмалар беришади. Терговчи кўрсатмалардаги қарама-қаршиликларни бартараф қилиш мақсадида улар ўртасида юзлаштириш ўтказилади. Юзлаштириш жараёнида сўроқ қилинувчиларнинг ҳар бири жиноят содир этишни бошқаси таклиф этганлиги ҳақида кўрсатма берганларидан сўнг, терговчи уларга бир-бирига савол беришга рухсат беради. У шу йўл билан ёлғон гапираётган шахсни фош этмоқчи бўлади. Айбланувчи Т. айбланувчи У.га қараб: «Сенинг аблаҳлигингни ва барча айбларни менга юклашингни билардим», дейди. Бунга жавобан айбланувчи У. уни ҳақоратлаб, уятсиз сўзлар билан сўкади. Бундай шароитда тергов ҳаракатини давом эттириш мумкин бўлмай қолади ва юзлаштириш барбод бўлади¹.

Бу ҳолда терговчи юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик қилиш жараёнидаёқ Т. ва У. ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиши, улар нимадан келиб чиққан ҳолда қарама-қарши кўрсатма бераётганлигини билишга ҳаракат қилиши ҳамда улар ўртасида юзлаштириш ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиши керак эди. Бу мисолда терговчи юзлаштирилаётган шахсларга бевосита бир-бирига мурожаат қилишга рухсат бериб, тактик хатоликка йўл қўйган.

Агар юзлаштириш тергов ҳаракатини амалга ошириш жараёнида иштирокчиларнинг бирортаси ўзининг илгариги кўрсатмасини ўзгартирса, терговчи уни диққат билан тинглаши ва кўрсатманинг ўзгартирилиши сабабини билиб олиши керак. Лекин, агар ҳаққоний кўрсатмалар ёлғон кўрсатмаларга ўзгартирилаётган бўлса, унинг сабабларини ҳар доим ҳам шу ерда, юзлаштириш жараёнида билиш мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Кўрсатмаларнинг ўзгартирилиши бошқа иштирокчининг борлиги, унинг таъсири натижаси бўлиши мумкин бўлиб, барча ҳолатларда ҳам ҳақиқий сабабини билиб бўлмайди. Бунда кўрсатмасини ўзгартирган иштирокчини юзлаштириш тугаганидан сўнг дарҳол сўроқ қилиш керак бўлади.

Юзлаштириш ўтказишда қўлланиладиган усулларнинг самаралиси иштирокчиларнинг кўрсатмаларини деталлаштириш, яъни майдалаштириш, икир-чикирларигача билиш ҳисобланади. Бу усул кўрсатмалардаги фарқларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради. Деталлаштириш усули, шунингдек, ёлғон кўрсатма бераётган шахсни фош этиш учун қулай ҳисобланади, чунки ёлғон маълумотларни ва шарт-шароитларни майда белгиларигача режалаштириб олиш жуда қийиндир.

¹ Юнусобод тумани ИИБ ТБ жорий архиви 12/14–3452-сонли жиноят иши.

Юзлаштириш ўтказишда ҳаққоний кўрсатмалар олиш учун далилларни тақдим этиш усули самарали хизмат қилади. Бу тактик усул сўроқ қилинаётган шахсга ёддан чиқарган нарсаларини эсга туширишига ёрдам бериш ҳамда ёлғон кўрсатмаларни фож этиш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Юзлаштириш жараёнида ашёвий далиллар, тергов ҳаракатларининг баённомалари, тафтиш далолатномалари, экспертиза хулосалари, режалар, схемалар, фотосуратлар ва бошқалар тақдим этилиши мумкин.

Юзлаштириш ижобий натижа бериши учун баъзи ҳолларда уни ҳодиса содир бўлган жойда ҳам ўтказиш мумкин. Ассоциатив (боғланишли) алоқаларнинг жонланиши ҳамда кўрсатмаларнинг баъзи жиҳатларини ҳақиқатга мослигини дарҳол текшириш имконияти мавжудлиги ҳисобига ушбу усул асосида кўрсатмалардаги қарама-қаршиликлар бартараф этилишига ва муайян ҳодиса ҳақида янги, кўшимча, муҳим маълумотлар олинишига эришилади.

Юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс ўртасида ўтказилса-да, уни кутилмаганда ўтказилишининг аҳамияти камаймайди. Масалан, бир жиноят иши бўйича терговчи жабрланувчининг ўлган деб ҳисоблайдиган айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида тўсатдан юзлаштириш ўтказилади. Бошқа ишда эса, айбланувчи ва унинг уч нафар шериги ўртасидаги тўсатдан ўтказилган юзлаштириш, уларнинг ушланганлиги ҳам, ҳаққоний кўрсатмалари ҳам айбланувчи учун кутилмаган бўлган. Тан олиш керакки, ҳар икки ҳолатда ҳам айбланувчиларнинг терговга нисбатан қилаётган қаршиликлари бартараф қилинган, улар ҳаққоний кўрсатмалар беришган.

Ҳатто икки нафар айбланувчи умуман олганда нотўғри кўрсатмалар бераётган бўлса ҳам, улардан бирортасининг кўрсатмасида ҳаққоний кўрсатмалар берилган эпизод ёки ҳолатни аниқлаш имкони бўлади. Н. И. Порубов бундай ҳолатда юзлаштириш жараёнида фақат шу эпизод ёки ҳолат бўйича кўрсатма олиш лозим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бошқа иштирокчида терговчининг нафақат бу, балки бутун жиноят ҳақида тўлиқ маълумот эгаллиги тўғрисида таассурот юзага келади ва натижада иш бўйича қаршилик кўрсатишга барҳам берилади ва ҳаққоний кўрсатмалар олишга эришилади¹. Юзлаштириш жараёнида қўлланиладиган тактик усуллар алоҳида эмас, балки комплекс равишда бир-бирига боғлиқ ҳолда ишлатилиши керак,

¹ Порубов Н.И. Научные основы допроса на предварительном следствии. — Минск, 1998. — С.136.

бунда бир усул иккинчига табиий органик тарзда ўтиб, бир-бирини тўлдириб боради.

Юзлаштириш пайтида тактик усулларни қўллашда ахлоқ одоб нормаларига ҳам риоя қилиш керак бўлади. Жумладан, терговчи юзлаштириш пайтида ахлоқсиз ёки йўналтирувчи саволларнинг бериши мумкин эмас.

Баъзан янгитдан юзага келган саволлар ёки илгари аниқлаштирилган саволлар бўйича қайта юзлаштириш ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳолларга мисол сифатида терговчининг янги маълумотларни тўплаганлигини ёки иштирокчилардан бири ўз кўрсатмаларини ўзгартирганлигини кўрсатиш мумкин.

Муайян жиноят ишлари бўйича, масалан, гуруҳ бўлиб содир этилган жиноят ишлари юзасидан бир нечта юзлаштиришларни, айбини инкор этаётган айбланувчи ва айбини қисман ёки тўлиқ тан олган айбланувчилар ўртасида кетма-кет ўтказиш мақсадга мувофиқ ва самарали бўлади. Бунда юзлаштиришни шундай ташкиллаштириш лозимки, келтириладиган далилий маълумотлар ҳажми борган сари ортиб бориши керак бўлади. Бундай ҳолатга тушган шахс бошқа қаршилик қилишнинг самарасиз эканлигига иқдор бўлади ва ҳаққоний кўрсатма беради.

Кўп эпизодли жиноят иши бўйича айбланувчилар муайян эпизодлар бўйича қарам-қарши кўрсатмалар берганда ўтказиладиган юзлаштириш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай ҳолларда айбланувчиларни сўроқ қилиш тартиби улар ҳаққоний кўрсатмалар берган эпизодлари бўйича кетма-кетликда саволга тутилади. Бунда терговчи томонидан биттасининг ёлғон кўрсатмасини бошқасининг рост кўрсатмаси билан инкор этиш усули қўлланилади.

Вояга етмаган шахс иштирокида амалга ошириладиган юзлаштириш ҳам бир қатор хусусиятларга эга. Уни фақат вояга етмаган шахс катта ёшдаги иштирокчининг таъсирига тушмаслигига амин бўлган ҳоллардагина ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай турдаги юзлаштириш ўтказишда вояга етмаганнинг шахсий хусусиятлари албатта эътиборга олиниши даркор. Вояга етмаган шахсининг ишонувчанлик, фантазия қилишга мойиллик, ҳаёт тажрибасининг озлиги каби хусусиятлари терговчи томонидан унга нисбатан саволлар бериш, далилларни тақдим этиш тартибини қатъий тарзда режалаштириш лозимлигини, юзлаштириш ўтказиладиган жойни тайёрлаши кераклигини келтириб чиқаради.

Терговчи вояга етмаган шахсга нисбатан таъсирни камайтириш мақсадида сўроқ қилишда иштирок этиш учун вояга етмаган шахснинг қонуний вакиллари (ота-онаси, қариндошлари, педагогни ёки вояга етмаган шахс учун обрўли бўлган бошқа шахсни ҳам) таклиф этиши мумкин.

Агар юзлаштириш вояга етмаган айбланувчининг иштирокида ўтказилаётган бўлса, унинг ёшига хос қуйидаги хусусиятларини: ўз ҳаракатларини танқидий баҳолаш, дўстлик тушунчасининг бузиб тушунилиши, ўз ҳолатидан мақтаниш ва ҳоказоларни ҳам албатта ҳисобга олиш шарт. Маълумки, вояга етмаганлар асосий гапдан ташқарига чиқиб кетиб, майда гапларга кўпроқ эътибор берадилар. Бунда терговчи вояга етмаган шахсга юзлаштиришнинг асосий предметдан четга чиқмасликни эслатиб қўйиши кифоя бўлади. Агар айбланувчи (гумон қилинувчи) уни ёлғон кўрсатмаларини фош қилаётган вояга етмаган шахсга нисбатан ўзини кўпол тутса, кўрқитса, бундай ҳаракатларга дарҳол, лозим ҳолларда юзлаштиришни тўхтатиб туриш орқали чек қўйиш керак бўлади.

Ўспирин шахсни юзлаштиришда биринчи бўлиб сўроқ қилиш, уни вояга етган иштирокчининг таъсиридан холи қилишнинг қулай усуллари билан биридир. Вояга етган айбланувчи билан унинг яқин қариндоши бўлган вояга етмаган шахс ўртасида юзлаштириш ўтказишга эҳтиёткорлик билан тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш лозим. Чунки бунда вояга етмаган шахсга нисбатан салбий таъсир даражаси бир неча маротаба ортиб кетади. Бундай ҳолларда вояга етмаган шахсни юзлаштиришга яхшилаб тайёрлаш ёки юзлаштириш ўтказишдан воз кечиш керак бўлади.

Руҳий касалликка чалинган шахс билан юзлаштириш ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Юзлаштириш ҳар доим ҳам ижобий натижаларга олиб келмайди. Баъзан кўрсатмалардаги мавжуд қарама-қаршиликлар бартараф этилмасдан қолади, қаршилик қилаётган иштирокчилар ўзаро кўрсатмаларини билиб ва ёлғон кўрсатмаларини келишиб оладилар; омонат иштирокчилар бошқа иштирокчининг таъсирига тушиб ўз кўрсатмаларини ўзгартирадилар, юзлаштиришда иштирок этган шахслар ўртасида юзага келган зиддиятли ҳолат дастлабки терговнинг кейинги ҳаракатига салбий таъсир ўтказади ва ҳоказо.

Юзлаштиришнинг салбий оқибатлар билан тугашига, асосан, уни ўтказишга сифатсиз тайёргарлик ёки уни ўтказишнинг нотўғри тактикаси сабаб бўлади.

Юзлаштириш ўзига хос психологик хусусиятларга эга бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади. Юзлаштиришни тўғри ташкиллаштириш ва ўтказиш ушбу тергов ҳаракатининг самарадорлиги даражасига таъсир қиладиган объектив ва субъектив факторларнинг ҳисобга олиниши кераклигини ҳам билдиради.

Уларга юзлаштириш ўтказишнинг шарт-шароитларини, тўсатдан ўтказиш факторининг бор-йўқлигини, сўроқ қилинаётганларнинг ахлоқий ва маънавий хусусиятларини, уларнинг руҳий ҳолатини, ўзаро муносабатларининг тавсифини, бир-бирига таъсир ўтказа олиши даражасини, терговчининг юзлаштириш ўтказишга тайёрлиги, унинг психологик тайёрлиги ва юзлаштириш ўтказишдаги ҳолати ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Юзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қаторига унинг иштирокчиларига кучли таъсир кўрсатадиган шарт-шароитларда ўтказилишини айтиб ўтиш лозим. Ушбу тергов ҳаракати жараёнида уч нафар шахс – терговчи ва иккита сўроқ қилинувчилар орасида мулоқот юзага келади. Бунда истисносиз тарзда бир сўроқ қилинаётган шахснинг бошқасига, шунингдек терговчининг уларга нисбатан психологик таъсири юзага келади. Шу вақтнинг ўзида сўроқ қилинаётганлар ҳам терговчига муайян таъсир ўтказадилар.

Ҳар бир сўроқ қилинувчига унинг кўрсатмаларига умуман қарама-қарши, зид маълумотларни келтираётган шахс иштирокида кўрсатма беришга тўғри келади. Бунда уларнинг ҳар бири, албатта, тергов ҳаракатнинг бошланғич этапидаги ўз нуқтаи назарини, олдинги сўроқда берган кўрсатмаларини ҳимоялашга ҳаракат қиладди. Шундай қилиб юзлаштиришнинг негизида қарама-қаршилик, можаро (конфликт) ҳолати бўлиб, бунда терговчи илгари сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатмаларидаги вужудга келган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун ҳаракат қиладди.

Лекин юзлаштиришдаги можароли ҳолат ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Агар сўроқ пайтида можаро ҳаққоний кўрсатма беришни истамаётган сўроқ қилинувчи ва терговчи орасида юзага келадиган бўлса, юзлаштиришда можаро асосан сўроқ қилинувчилар орасида юзага келади ва терговчи тергов ҳаракати устидан бошқарувни қўлидан чиқармаслигини талаб этади¹.

Можароли ҳолатнинг юзага келишига терговчининг хатолари, жумладан иш материаллари бўйича айбланувчининг ёки бошқа шахс-

¹ *Васильев А.Н., Карнеева Л.М.* Тактика допроса при расследовании преступлений. –М. 2001. – С.212.

нинг шахсини чуқур ўрганмаганлиги, далилларни умуман ёки қисман нотўғри қўллаганлиги, юзлаштириш ёки ундан олдин ўтказилган тергов ҳаракатлари жараёнида ўзини нотўғри тутганлиги сабаб бўлади.

Сўроққа нисбатан юзлаштириш пайтида терговчининг ҳиссий таранглик даражаси анча юқорироқ бўлади. Бу нафақат сўроқ қилинаётган шахсларнинг кўрсатмаларидаги қарама-қаршилиқларни барта- раф этиш фаолиятининг қийинлиги билан, балки терговчи бир вақт- нинг ўзида бир эмас иккита ўз кўрсатмаларида туриб олган шахс билан муроасага келиши лозимлиги билан ҳам тушунтирилади.

Юзлаштиришда ёлғон кўрсатма бераётган шахс иккинчи сўроқ қилинувчи уни эшитаётганлигини, кўраётганлигини, сезаётганлигини ва терговчининг ҳузурида унинг кўрсатмаларига тегишли ўзгартириш- лар киритиши мумкинлигини билади.

Бошқа томондан эса ёлғон кўрсатмаларни фош қилаётган юзлаш- тириш иштирокчиси ҳам ўзига катта ҳиссий кечинмаларни бошидан ўтказди, чунки у ўз кўрсатмаларини шу шахснинг иштирокида беради. Бундай ҳолда унинг онгида турли ҳислар – кўрқув, ачиниш ва бош- қалар ҳукм суради. Бу ҳолат ҳам юзлаштириш тергов ҳаракатини пси- хологик жиҳатдан жуда ўзига хос ҳаракат эканлигини намоён қилади.

Процессуалист олим Н. И. Порубов тўғри таъкидлаганидек, айб- ланувчи ва жабрланувчи (айбланувчи ва гувоҳ) ўртасидаги юзлашти- ришнинг психологик жиҳатдан мураккаблиги шундан иборатки, тўғри кўрсатма бераётган иштирокчи ё айбланувчи билан қайта учрашиш- дан кўрқди ёки уни бўлишини истамайди ёхуд ундан безиллаб туради¹.

Юзлаштириш тергов ҳаракати иштирокчиларига катта таъсир ўтказиш кучига эгаллиги билан ажралиб туради. Таъсир кучи, энг аввало, сўроқ қилинаётганларнинг бир-бирларига таъсири билан бел- гиланади ҳамда салбий ва ижобий рол ўйнайди. Бунда терговчининг асосий вазифаси нотўғри кўрсатма бераётган шахснинг инсофли иштирокчига таъсирини камайтириш ёки умуман барта- раф этишдан ҳамда ҳақиқий маълумотларни, шахс иштирокининг таъсирини ёлғон кўрсатма берувчига ўтказишдан иборат бўлади.

Ижтимоий-психологик жиҳатдан юзлаштириш «конформлик»² каби ҳолатнинг мавжудлиги билан тавсифланади. В. С. Максимов

¹ Порубов Н.И. Допрос в уголовном судопроизводстве. – М., 1999. – С.212.

² *Изоҳ:* Конформлик – инсон ўз фикрининг кўпчилик нуқтаи назарига зид- лигига дуч келганида ўз кўрсатмаларидан воз кечиши билан тавсифланган ҳолат.

жуда адолатли таъкидлаганидек, юзлаштириш жараёнида ёлғон кўрсатма бераётган шахсга нисбатан терговчини, уни фош этаётган шахсни, баъзан яна бир бошқа иштирокчи (прокурор, педагог, психолог ва ҳ.к.)ни ўз ичига оладиган гуруҳ қарши таъсир ўтказди. Уларнинг таъсири остида ёлғон кўрсатма бераётган иштирокчи ўз хатти-ҳаракатларини ўйлаб кўради ва кўпинча кўрсатмаларини тўғри маълумотларни бериш томонга ўзгартиради. Шунинг учун психологик жиҳатлари бўйича «конформлик» ҳодисасини юзлаштиришнинг моҳиятига киришни тан олиш керак бўлади¹.

Сўроқ қилинаётганлар ўртасидаги бевосита мулоқот, улар томонидан бир-бирларининг кўрсатмаларини бевосита қабул қилиниши натижасида ёлғон кўрсатмаларни фош қилишда катта аҳамиятга эга маълумотларни олишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолатларда юзлаштириш пайтида бошқа иштирокчи томонидан ҳодисанинг бирорта майда деталини айтиб, эслатилганидан сўнг айбланувчи жиноят содир қилишдаги айбдорлигига иқроор бўлиши ва тўғри кўрсатмалар бериши ҳолатларини тушунтириб бериш мумкин.

Масалан, босқинчилик факти бўйича қўзғатилган жиноят иши бўйича терговчи айбланувчи П. ва Г. лар орасида юзлаштириш ўтказди. Айбланувчи П. ўз айбига тўла иқроор бўлиб, сўроқ пайтида батафсил маълумот беради. Г. эса аксинча, ўз айбларини умуман тан олмасдан, балки П. билан жиноят содир этилган пайтда умуман бирга ҳеч қандай иш ёки машғулотлар билан шуғулланмаганлигини таъкидлайди. Улар ўртасида юзлаштириш ўтказилганида айбланувчи Г. айбланувчи П.нинг кўрсатмаларини тинглаб бўлганидан сўнг у кун ва саналарни адаштиряпти деб кўрсатма беради. Шунда П. терговчининг рухсати билан Г.га «Эсингдами 20 январь куни – бир йигит билан қизга нисбатан босқинчилик қилган кунимиз девордан ошиб тушаётганимизда сен шимингни чўнтагини миҳга илинтириб йиртиб олган эдинг», деб савол беради. Бунга жавобан Г. бу 20 январь куни эмасди, деб жавоб қайтаради. П. «Йўқ бу айнан 20 январь куни эди, чунки кейин бизнинг уйимизга келганимизда менинг онам сенга шимингни тикишга ёрдам берганди. У бу нарсаларни тасдиқлаши мумкин», деб жавоб қайтаради. Бу гапларни эшитган айбланувчи Г. муайян вақт ўйланиб ўтириб, «Нима бўлса бўлди. Рост гапирганим бўлсин», дейди ва воқеликка тўғри бўлган кўрсатмаларни беради. Ўз-ўзидан айтиб

¹ *Максимов В.С.* Теория и практика очной ставки на предварительном и судебном следствии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Свердловск, 1975. – С.8–9.

ўтилган шимнинг йиртилиши факти ва уни содир бўлган куни Г.нинг жиноят содир этганлигини тўғридан-тўғри тасдиқламаса ҳам, ушбу кўрсатилган фактнинг юзлаштириш пайтида аён бўлиб қолганлиги, шунингдек шимнинг кўздан кечирилиши ва иккинчи иштирокчининг онасини сўроқ қилиш имкониятининг мавжудлиги, унинг ёлғонларини фош этиши мумкинлиги эҳтимолининг кучайишига олиб келади ва Г. ўз кўрсатмаларини ўзгартиришга мажбур бўлади.

Юзлаштиришга тайёргарлик кўриш босқичида сўроқ қилинувчилар орасида илгари мавжуд бўлган психологик муносабатларнинг ўзига хос томонларини чуқур ўрганиш керак бўлади. Уларнинг ҳар бирининг ўзаро бир-бирига нисбатан муносабатларини, уларнинг ривожланиш босқичларини, бир шахснинг иккинчисига бирор қарамлик жойи бор-йўқлигини, агар бўлса, унинг нимадан иборатлигини, бир шахснинг бошқасига таъсири бор ёки йўқлигини, ушбу таъсирнинг юзлаштириш натижаларига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини суриштириш шарт бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзан айбдорлик маълумотларини ўзида мужассамлаштирган кўрсатмалар эмас, балки айбланётган шахс учун обрўли шахс берган кўрсатмалар катта психологик таъсирга эга бўлади. Шунинг учун юзлаштиришда сўроқ қилиш пайтини белгилашда кимни биринчи сўроқ қилиш масаласи билан бирга, иштирокчиларнинг шахсий хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари қандай тавсифланишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Юқоридагилар билан бирга, юзлаштириш пайтида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда сўроқ қилинувчиларнинг ўзини қандай тутиши ва ҳар бирининг иродавий хусусиятларини ҳам ўрганиш талаб қилинади.

Юзлаштириш давомида ҳар иккала сўроқ қилинувчи билан психологик контактни ушлаб туриш терговчи учун ечими қийин бўлган муаммоли ҳолатни ташкил этади. Мавжуд ҳолат, шунингдек, сўроқ қилинувчилар орасида конфликт ҳолатининг мавжудлиги билан янада мураккаблашади.

Ҳаққоний кўрсатма бераётган иштирокчи билан психологик контактни ўрнатиш қийинчилик туғдирмайди, лекин терговга қаршилик қилаётган шахс билан бу нарса жуда мушкул кечади, баъзан бундай психологик келишувга эришиб бўлмайди. Бундай вазият иккинчи сўроқ қилинувчининг назарида терговчи ва рост кўрсатма бераётган шахснинг ўзаро унга қарши курашиш учун бирлашган рақиблар сифатида қабул қилиши ҳиссиёти пайдо бўлганлиги натижаси ўлароқ

юзага келади. Юзлаштиришнинг мақсади кимларгадир қарши курашиш эмас, балки юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф этиш орқали холис ҳақиқатни аниқлашдан иборат бўлади.

Умуман олганда, сўроқ қилинаётган шахслар билан психологик контакт ўрнатилиши учун криминалистик адабиётларда келтирилган айбланувчи (гумон қилинувчи), гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилишда ишлатиладиган усулларни қўллаши мақсадга мувофиқ бўлади¹.

Иш бўйича олинган кўрсатмалардаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш юзлаштиришнинг асосий мақсади бўлганлиги сабабли, уни ўтказиш мобайнида психологик таъсир кўрсатиш ҳам муқаррардир.

Масалан, терговчи криминалистика ва суд психологиясида кенг қўлланиладиган қуйидаги психологик таъсир усуллари: ишонтириш, фoш этиш, ҳуқуқий жиҳатдан тўғри бўлган психологик усуллар (талаб қилиш, илтимос қилиш, маслаҳат бериш, огоҳлантириш ва ҳ.к.), ҳиссий тажриба каби усулларни қўллаши мумкин².

Ҳуқуқшунос-психолог олим А. В. Дуловнинг фикрича, юзлаштиришда амалга ошириладиган психологик таъсирнинг самарали бўлишининг қуйидаги элементларини санаб ўтади:

- юзлаштиришда психологик таъсир кўрсатиш учун терговчи сўроқ орқали таъсир кўрсатишга замин тайёрлаганлиги;
- юзлаштиришнинг кутилмаганда ўтказилиши;
- ёлғон кўрсатма бераётган айбланувчи ёки бошқа шахсга ахлоқий-ҳиссий таъсирининг кучлилиги;
- фактларни келтиришдаги ишонтирувчилик ва кўрсатма бераётган шахснинг ўзини тута олиши;
- юзага чиқарилган иродавий хусусиятлар ва тергов ҳаракати иштирокчиларининг руҳий фаоллиги даражаси;
- юзлаштиришда бериладиган маълумотларнинг кутилган ёки кутилмаганлиги даражаси (агар сўроқ қилинаётган шахс учун кутилмаган маълумотлар келтирилса, улар уни саросимага тушириб қўяди ва юзлаштириш мақсадига эришади);

¹ Масалан, қаранг: *Васильев А.Н., Карнеева Л.М.* Тактика допроса при расследовании преступлений. – М., 1991; *Порубов Н.И.* Допрос в уголовном судопроизводстве. – М., 1999.

² Терговчи томонидан қўлланиладиган усулларнинг барчаси жиноят-процессуал қонунчиликда умуман белгиланган. Шунинг учун ҳар бир ҳолатда терговчи уларнинг мақбуллиги ва асослилигини текшириши, руҳий тазйикқа йўл қўймаслиги шарт. Бу ҳақда аниқроқ қаранг: *Комарков В.С.* Психологические основы очной ставки. – Харьков, 1996. – С.13.

– юзлаштиришда иштирок этаётган шахсларнинг илгариги ўзаро муносабатларининг психологик жиҳатлари (масалан, агар ҳаққоний маълумотлар ёлғон кўрсатма бераётган шахс учун обрўли бўлган шахс томонидан келтирилиши ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин);

– терговчи томонидан ёлғон кўрсатма бераётган иштирокчига нисбатан руҳий, психологик таъсирнинг кучи ва фаоллиги. Терговчи психологик таъсир усуллари қанчалик фаол тарзда ишлатса, юзлаштириш шунчалик ютуқли натижа билан якунланади¹.

Юзлаштиришда психологик таъсир усуллари самарали ишлатиш учун сўроқ қилинаётган шахсларнинг ҳар бирини индивидуал руҳий хусусиятларини яхши ўрганиш талаб этилади. Шу жумладан, инсоннинг темпераментини билиш ҳам халақит қилмайди.

Юзлаштириш жараёнида кўп ишлатиладиган усуллардан бири – далилларни тақдим этиш усули. Лекин ҳар доим ҳам келтирилган далилларнинг аҳамияти иштирокчиларга тўлиқ аён бўлмаганлиги сабабли, баъзи ҳолларда келтираётган далилларнинг кўрсатмаларга нисбатан қандай муносабатда эканлигини алоҳида таъкидлаш ва тушунтириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, юзлаштиришда психологик усулларни қўллаш энг асосий мақсад – тарафлар, шахслар ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга қаратилган бўлиб, терговчининг асосий тактик усуллари билан бири сифатида хизмат қилади.

¹ Дулов А.В. Судебная психология. – М., 1995. – С. 330–332.

4. ЮЗЛАШТИРИШ НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ДАЛИЛИЙ АҲАМИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасига асосан, ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбдор ёки айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар далил ҳисобланади. Улар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатмалари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар ҳеч бир истисноларсиз бир хилда баҳоланади. Далилларни баҳолашга фанда бир қатор, яъни алоқадорлик, мақбуллик, етарлилик ва ишончлилик талаблари қўйилади.

Далилга ичдан хос бўлган ҳамда фактик маълумотлар шу туфайли жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ҳолатларни аниқлашга қодир бўладиган хусусият далилнинг алоқадорлиги деб аталади. Алоқадорлик далилнинг мазмунини ифодалайди. Далилнинг мақбуллиги деганда, далилни унинг манбаи, ваколатли шахсларнинг фактик маълумотларни олиш ва қайд этиш усуллари нуқтаи назардан тавсифловчи хусусияти тушунилади. Далилнинг ишончлилиги олинган маълумотларнинг қонунда назарда тутилган манбаларга мослиги бўлиб, уни дастлабки терговда ва судда пухта текшириш натижасидир. Далилнинг етарлилиги деганда, жиноят ҳолатларини воқеликка мос тарзда аниқлаш, жиноят ишини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида асосланган қарорлар чиқариш учун зарур бўлган ҳамда ички эътиқод (ишонч) бўйича аниқланадиган алоқадор ва ишончли далиллар мажмуи тушунилади.

Кўпгина ҳолатларда юзлаштириш тергов ҳаракатининг натижалари бўйича айбланувчи ва гумон қилинувчилар турли, яъни айбига қисман ёки тўлиқ иқрорлик кўрсатмалари, нотўғри кўрсатмалар берадилар. Тергов амалиётида терговчилар уларни баҳолашда бир қатор қийинчиликларга дуч келиши кузатилди. Шунинг учун айбланувчи ва

гумон қилинувчи кўрсатмаларининг моҳияти ва уларни баҳолаш масалаларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Айбланувчининг кўрсатмалари унга қўйилган айб мазмунини ташкил қилувчи масалалар ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар ва ишдаги далиллар юзасидан уни сўроқ қилиш чоғида берган ва қонунда белгиланган тартибда қайд этилган оғзаки хабарларидан иборат. Кўрсатма бериш айбланувчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи эканлигини ёддан чиқармаслик керак. У била туриб ёлғон кўрсатма берганлиги ёки кўрсатма беришдан бош тортганлиги учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди. Бу унинг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим қафолатларидан биридир. Айбланувчининг кўрсатмалари, шундай қилиб, икки томонлама хусусиятга эга: бир томондан, далил бўлувчи ахборот манбаи бўлса, бошқа томондан, қўйилган айбдан ҳимояланиш воситасидир.

Айбланувчи терговда унга айб эълон қилинганидан сўнг, судда эса айблов хулосаси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат мазмуни унга маълум бўлганидан сўнг сўроқ қилинади. Шу боис айбланувчи кўрсатмаларининг асосий мазмуни унга қўйилган айб мазмунини ташкил қилувчи ҳолатлардан иборат бўлади. Бироқ, айбланувчи кўрсатмаларининг предмети бу билан чекланмайди. Айбланувчи, агар жиноят содир этганлигини тан олса, бўлган воқеаларнинг кечиш жараёнини баён этиш билан чекланмайди, балки уларнинг бевосита иштирокчиси ва жиноят ишининг натижасидан манфаатдор шахс сифатида воқеаларни тушунтириб беради, изоҳлайди, хусусан, ўз хатти-ҳаракатларининг сабабларини баён этади. У воқеалар хусусида қандайдир таҳминини илгари суриши, уларга бошқача бир тушунтириш бериши, ўз айбини енгиллаштирувчи ёки ҳаракатларини оқловчи қандайдир ҳолатларни келтириши мумкин. Бундан ташқари, айбланувчи ўз кўрсатмаларида жиноят ишида келтирилган далилларга баҳо беришга ҳақли, уларни рад этиши ёки шубҳа остига қўйиши, уларни инкор этувчи бошқа далилларни келтириши мумкин. Ушбу далиллар пухта ва ҳар томонлама текширилиши лозим. Айбланувчининг кўрсатмаларида унинг шахсига, чунончи таржимаи ҳолига (соғлиғи, мукофотлари, оилавий аҳволи ва бошқаларга) оид маълумотлар бўлиши мумкин. Ушбу маълумотлар айблов мазмунига кирмаса-да, суд айбланувчининг шахсини баҳолаётганида ва жазо тайинлаётганида аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, айбланувчи кўрсатмаларининг предмети гувоҳлар кўрсатмаларининг предметиға қараганда кенгрокдир.

Айбланувчи бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ҳақида ҳам кўрсатмалар бериши, уларнинг жиноят содир этганликларини фош этиши

мумкин. Айбланувчи (ва гумон қилинувчи)нинг бундай кўрсатмалари, жумладан тухматнинг процессуал табиати ҳақидаги масала қуйида кўриб чиқилади.

Хўш, айбланувчининг кўрсатмалари қандай далилий аҳамиятга эга? Бундай турдаги далилларга хос хусусиятлар қуйидаги омилларга боғлиқ. Биринчидан, айбланувчи одатда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатлари тўғрисида бошқа ҳар қандай шахсга караганда кўпроқ хабардор. Шу боис у энг тўлиқ далилий ахборот эгасидир. Аммо, бошқа томондан, айбланувчи кўпинча ушбу ахборотни яширишдан ёки бузиб кўрсатишдан ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдор, чунки унинг тақдири жиноят ишининг натижасига боғлиқ бўлади.

Айбланувчининг кўрсатмалари, одатда, икки турга, яъни ўз айбига (тўлиқ ёки қисман) иқрор бўлган ва бу айбни инкор этган кўрсатмаларга бўлинади. Дастлаб айбланувчи ўз айбини тан олган кўрсатмаларнинг далилий аҳамиятини кўриб чиқамиз.

Далиллар назариясида айбланувчининг айбига иқрорлигининг аҳамияти муаммосичалик инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва, умуман, шахснинг жамиятдаги ҳолати билан чамбарчас боғлиқ бўлган масала йўқ. Турли тарихий даврларда шунчалар хилма-хил, баъзан бутунлай қарама-қарши ечимлар топган масала ҳам йўқ. Узоқ вақт давомида айбланувчининг айбига иқрорлиги «далиллар маликаси» деб ҳисоблаб келинган. Бу, айниқса, инквизиция жараёнига хос жиҳатдир. Инсон жиноят содир этмаган бўлса, жиноят содир этганлигини тан олмайди, деган фикр қоида тусини олган эди. Шу боис, агар айбланувчи ўз айбини тан олса, бошқа далилларга ҳожат қолмас эди. Табиийки, терговчиларнинг барча уринишлари ана шундай эътирофни олишга қаратиларди. Шу билан бирга, бундай «муқаддас» мақсадга эришиш воситалари масаласида улар чекланмаганлар. Ўрта асрлар даврида қанчалик мудҳиш қийноқ асбоблари яратилганлиги маълум. Натижада деярли барча айбланувчилар бутунлай хаёлга келтириб бўлмайдиган жиноятларни содир этганликларига иқрор бўлганлар.

Европадаги буржуа инқилоблари феодал судлов тартибини синдириб ва уни бир қадар демократик тусдаги буржуа судловига алмаштириб, айбланувчининг айбига иқрорлигини «далиллар маликаси» сифатида талқин этиладиган қоидани ҳам рад этди. Бироқ, ушбу ҳодиса кейинчалик ҳам учраб турган.

Айбланувчининг ўзига ўзи тухмат қилишига нафақат терговнинг қораланган усуллари олиб келиши мумкин. Амалиётда турли-туман ниятлар билан қилинган ўзига нисбатан тухматларнинг кўплаб мисоллари маълум: яқин кишисининг айбини ўзига олиш, бошқа, оғирроқ

жиноят содир этганлигини яшириш мақсадида, ҳақиқий айбдорларни фош этишдан кўрқиш туфайли ва ҳоказо. Масалан, ўнлаб ўғриликларни содир этган айбланувчи, аслида, бошқа шахс содир этган яна бир ўғриликни ўзига олиши мумкин, чунки бу унинг тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди; вояга етмаган айбланувчи қотилликда иштирок этган катта ёшли кишининг айбини ўзига олиши мумкин, чунки унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди ва ҳоказо. Шундай қилиб, айбланувчининг айбига иқрорлиги ўз-ўзича ҳали ҳеч нарсани билдирмайди. Шу билан бирга, айбланувчи берган ҳаққоний кўрсатмаларнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаслик ҳам мумкин эмас. Юқорида таъкидланганидек, ушбу кўрсатмалар далилий ахборотнинг жуда қимматли манбаи бўлиши мумкин. Уларга эга бўлиш ҳақиқатни излашни енгиллаштиради, жиноятнинг тезда очилишига, ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама аниқланишига ёрдам беради.

Айбланувчи ўз айбига иқрорлигининг далилий аҳамияти нимада? Бу ўринда қуйидагилардан келиб чиқиш лозим. Биринчидан, далилий аҳамиятга айбланувчининг ўз айбига иқрорлиги фактининг ўзи эмас, балки жиноятни содир этиш ҳолатлари ҳақидаги аниқ маълумотлар эга бўлади. Чунки бундай маълумотларга фақат жиноят содир этишга алоқадор, бу тўғрида хабардор («жиноий хабардор») бўлган шахсгина эга бўлади. Айбланувчининг бирорта аниқ факт келтирмаган ҳолда ўз айбини сўзда тан олиши далил сифатида баҳоланиши мумкин эмас (бунинг устига, у бундай тан олишдан исталган пайтда воз кечиши мумкин). Масалан, агар айбланувчи ўз айбини инкор этмаётганлигини, аммо ниҳоятда маст ҳолатда бўлганлиги сабабли жиноятни қандай шароитда содир этганлигини эслай олмаслигини айтса, бундай кўрсатма ҳеч бир далилий аҳамиятга эга бўлмайди. Жиноятни содир этишнинг аниқ ҳолатлари ҳақидаги маълумотларгина далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, ушбу маълумотлар иш бўйича тўпланган далилларнинг мажмуи билан тасдиқланиши керак. Фақат шундай ҳолдагина улар айбловга асос бўлиши мумкин. Масалан, агар айбланувчи кўрсатган жойда мурда ёки ўғирланган ашёлар топилса, унинг хонага кириш усули ҳақидаги кўрсатмалари – воқеа жойини кўздан кечириш натижалари билан, айбланувчи айтган баданга шикаст етказиш механизми – экспертнинг хулосаси билан мос келса, айбланувчининг бундай кўрсатмалари рад этиб бўлмас далил аҳамиятига эга бўлади ва у кейинчалик ушбу кўрсатмаларидан воз кечган тақдирда ҳам аҳамиятини йўқотмайди.

Шундай қилиб, айбланувчининг ўз айбини бўйнига олганлиги факти эмас, балки у маълум қилган ва унинг жиноят содир этишга алоқадорлигидан далолат берувчи ва текширув давомида тасдиқланувчи маълумотлар далил ҳисобланади.

Айбланувчининг ўз айбига иқрорлиги ушбу иқрорлик иш бўйича мавжуд далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган тақдирдагина айблов учун асос қилиб олиниши мумкин. Қонун ушбу қоида билан айбланувчининг ўз айбига иқрорлиги аҳамиятини ортиқча баҳолашнинг олдини олади ва айбланувчи хабар қилган маълумотларнинг ишончлилигидан далолат берувчи далиллар мажмуига эга бўлиш зарурлигини кўрсатади.

Айни пайтда айрим ҳолларда айбланувчининг ўз айбига иқрорлиги фактининг ўзи муайян ҳуқуқий (аммо далилий эмас) аҳамиятга эга. Масалан, иш реабилитация этилмайдиган асослар (амнистия ҳужжати чиққанлиги, жазога тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан ва бошқалар) бўйича фақат айбланувчининг розилиги бўлган тақдирдагина тугатилиши мумкин. Айбланувчи рози бўлмаса, бунга йўл қўйилмайди. Бундай розилик қисман ўз айбига иқрорликни ҳам билдиради (чунки у ишнинг шу асос бўйича тугатилишига рози бўлади). Иш қасамёд қилган ҳакамлар судида кўрилганда, агар барча судланувчилар ўзларини тўлиқ айбдор деб тан олган бўлсалар ҳамда, башарти ушбу иқрорликни томонлардан ҳеч бири рад этмаса ва бу судьяда шубҳа туғдирмаса, раислик қилувчи процесс иштирокчилари рози бўлган тақдирда улар кўрсатган далилларни текшириш билан чекланишга ёхуд терговни тамомланган деб эълон қилишга ҳақлидир.

Хўш, бу гаплар юқорида айтилган айбланувчининг ўз айбини сўзда тан олиши далилий аҳамиятга эга эмаслиги ҳақидаги сўзлар билан қандай сиғишади? Бу – муаммонинг бутунлай бошқа жихати. У айбланувчининг қарорга розилигини, айбловдан норозиликнинг йўқлигини, тортишув принципига мувофиқ эса – бу айбланувчи эътироз билдирмаган ҳолларда, томонлар баҳси бўлмаганда тортишувни камайтиришни билдиради. Далилий жихатдан қараганда эса, аввалги қоида ўз кучида қолади: исботлаш тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда бўладими, шу процессда ёки юқори турувчи инстанцияда бўладими (масалан, шахсни реабилитация этиш масаласи турганда), бундан қатъи назар, фақат айбланувчи маълум қилган аниқ фактларгина текширилиши керак.

Энди гумон қилинувчининг ўз айбини инкор этишидан иборат бошқа турдаги кўрсатмаларни кўриб чиқамиз. Бундай кўрсатмалар

ҳам пухта ва ҳар томонлама текширилиши ҳамда айбланувчининг барча далиллари ё рад этилиши, ё тасдиқланиши керак. Агар унинг ҳам, бунинг ҳам уддасидан чиқилмаса ва қандайдир ҳолатлар мавжудлиги (йўқлиги) масаласида шубҳалар қолган бўлса, улар айбланувчининг фойдасига талқин этилади.

Айбланувчининг ўз айбини инкор этиши ўз-ўзича оқловчи далил ҳисобланмайди, чунки унинг айбсизлигидан далолат берувчи аниқ маълумотларга эга бўлмайди. Агар айбланувчи айбини инкор қилиб, муайян ҳолатларга ҳавола қилса, қандайдир фактларни хабар қилса, уларнинг тўғрилигини аниқлаш мажбурияти терговчи, прокурор ва судга тегишли бўлади. Бундай ҳолларда айбланувчининг кўрсатмалари рад этилган, айби эса шубҳасиз далиллар билан исботланган тақдирдагина айбланувчининг айбдорлиги ҳақида хулоса қилиниши мумкин бўлади. Айбсизлик презумпцияси принципи ва исботлаш мажбурияти қондасига кўра, айбланувчининг ўз айбини инкор этиб, ўзини оқлаш учун ҳеч қандай далилларни келтирмаслиги айблов далили деб баҳоланиши мумкин эмас.

Ўз айбини инкор этаётган айбланувчининг кўрсатмалари холисона ва ҳар томонлама текширилиши керак. Жиноят ишини тергов қилиш ва муҳокама қилишда айбловга ён босиш кўпинча ўз айбини инкор этаётган айбланувчининг кўрсатмаларига ишончсизликда, уларни текшириш учун зарур чораларни кўрмаганликда намоён бўлади.

Гумон қилинувчининг кўрсатмалари – у содир этган деб гумон қилинаётган жиноятнинг унинг ўзига маълум бўлган ҳолатлари бўйича сўроқ вақтида берган ҳамда қонунда белгиланган тартибда қайд этилган оғзаки хабари. Гумон қилинувчининг уни ушлаш вақтида берган ва ушлаш баённомасида келтирилган тушунтиришлари кўрсатма ҳисобланмайди.

Айбланувчининг кўрсатмалари каби гумон қилинувчининг кўрсатмалари ҳам икки томонлама хусусиятга эга: улар, бир томондан, далилий ахборот манбаи бўлса, бошқа томондан, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш воситасидир. Гумон қилинувчи ҳам на кўрсатма беришни рад этганлиги, на ёлғон кўрсатма берганлиги учун жавобгарликка тортилади.

Гумон қилинувчи уни ушлаш ва қамаш учун асос бўлган ҳолатлар, шунингдек, ишнинг унга маълум бўлган бошқа ҳолатлари юзасидан кўрсатма бериш ҳуқуқига эга. Гумон қилинувчини сўроқ қилишдан аввал унга қайси жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлиги тушунтириб берилиши керак. Шундай қилиб, гумон қилинувчи

кўрсатмаларининг предметини ундан гумон қилиш учун асос бўлувчи ҳолатлар, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳар қандай ҳолат ташкил этади. Айбланувчи каби, гумон қилинувчи ҳам ўз кўрсатмаларида воқеаларни талқин қилиши, ўз ҳаракатларининг сабабларини тушунтириши, тахминларини айтиши, баҳслашиб, ишда мавжуд далилларни рад этиши мумкин.

Кўриб турганимиздек, айбланувчи ва гумон қилинувчи кўрсатмаларининг предметлари кўп жиҳатдан ўхшаш. Фарқи шундаки, гумон қилинувчини сўроқ қилиш пайтида айблов хулосаси ҳали ифодаланмаган бўлади ва шу боис гумон қилинувчининг кўрсатмалари одатда тўлиқ бўлмайди. Кўпинча гумон қилинувчига айб эълон қилинганидан сўнг шу ҳолатларнинг ўзи бўйича батафсилроқ сўроқ қилинади ва далил сифатида унинг ана шу кўрсатмаларидан фойдаланилади. Гумон қилинувчининг кўрсатмалари эса камроқ, масалан, айбланувчи сифатида ишга жалб этилиши лозим бўлган шахс ўлган тақдирда фойдаланилади. Шахснинг гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида берган кўрсатмалари ўртасида жиддий зиддиятлар бўлганда, улар пухта текширилади ва баҳоланади, натижада уларнинг айримлари тасдиқланиши ва айблов хулосасига асос қилиб олиниши, бошқалари эса рад этилиши мумкин.

Кўрсатилган хусусиятларидан ташқари ҳолларда гумон қилинувчининг кўрсатмаларини баҳолаш айбланувчининг кўрсатмаларини баҳолаш билан бир хил қоидаларга бўйсунди.

Гумон қилинувчининг кўрсатмаларига амалда шубҳа остига олинган ва жиноят содир этишга алоқадорлиги текшириляётган бошқа шахсларнинг кўрсатмалари ҳам тенглаштирилади. Бундай вазият кўпинча аниқ бир шахсга қарши (дезертирлик, порахўрлик, растрата, мансаб билан боғлиқ бошқа жиноятлар, номусга тегиш каби ишлар бўйича, башарти аниқ шахсга нисбатан ариза берилган бўлса) жиноят иши кўзғатилганда юзага келади. Агар бундай шахс ушланмаган ва унга нисбатан эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, айб эълон қилинмагунча у расман гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши ва шу боис тўғри кўрсатмалар бериши шарт.

Бироқ, юқорида айтилганидек, ҳеч ким ўзига қарши гувоҳлик қилишга мажбур эмас. Шу боис, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида бевосита кўрсатилмаган бўлса ҳам, бундай шахслар тергов предметини ташкил этувчи ўз ҳаракатлари ҳақида кўрсатма бериш мажбуриятидан озод қилинишлари ва шу жиҳатдан гумон қилинувчиларга тенглаштирилишлари керак.

Айбланувчи ва гумон қилинувчи кўрсатмаларининг турларидан бири уларнинг бошқа шахсларга қарши кўрсатмалари, хусусан, тухмат, яъни била туриб бошқа шахсга қарши ёлғон кўрсатмалар бериш ташкил қилади. Айбланувчи ёки гумон қилинувчи бундай кўрсатмалари учун жавобгарликка тортилишлари мумкинми?

Кўпинча айбланувчи ёки гумон қилинувчи ўз айбини тўлиқ ёки қисман бошқа иштирокчиларга ёхуд бошқа шахсларга қўйишга ҳаракат қилади. Бу ҳимоя воситаларидан бири бўлиб, бунинг учун у ҳеч қандай жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Шу боис айбланувчи ёки гумон қилинувчи айблов мазмунини ташкил қиладиган ёки уларни ушлаш учун асос бўлган ҳолатлар ва, умуман, сўроқ қилинаётган шахснинг алоқадорлиги текширилаётган фактлар, қилмишлар бўйича бошқа шахсларга қарши кўрсатмалар берганда, истаганича кўрсатма бериши мумкин ва бунинг учун, ҳатто кўрсатмаларининг ёлғонлиги аниқ бўлган тақдирда ҳам, жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Айбланувчи ёки гумон қилинувчи бошқа шахсларга қарши кўрсатмаларини ўзларига қўйилган айбга кирмайдиган фактлар, ҳолатлар бўйича берганда ва уларга сўроқ қилинаётган шахснинг алоқадорлиги умуман текширилмаётганда (яъни ишнинг бошқа эпизоди ёки умуман бошқа иш бўйича) ушбу масала бошқача ҳал қилинади. Бундай ҳолларда айбланувчи ёки гумон қилинувчи гувоҳ сифатида кўрсатма бериши ва, бинобарин, кўрсатма беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилиши керак

Юзлаштириш тергов ҳаракатининг баённомаси ҳам далил манбаи ҳисобланади. Тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари далилларнинг алоҳида тури сифатида кўздан кечириш, юзлаштириш, гувоҳлантириш, тинтув, ушлаб туриш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент каби тергов ҳаракатларининг бориши ва натижалари қайд этиладиган ёзма далолатномалардир. Тергов ҳаракатларининг баённомалари уларда терговчи, холислар ва ушбу тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари бевосита идрок этган ҳолат, нарса ёки ҳодисалар қайд этилганлиги туфайли далилларнинг мустақил манбаи сифатида ажратилган. Шу боис далилларнинг ушбу турига сўроқ баённомалари киритилмайди, чунки улар далилларнинг бошқа турини – гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи ёки гумон қилинувчининг кўрсатмаларини қайд этади.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш ва процессуал расмийлаштириш тартиби қонунда батафсил белгилаб берилган. Уларни юритишнинг

белгиланган қоидалари баённомада қайд этилган маълумотлар ишончилигининг муҳим қафолатидир. Шу боис ушбу қоидаларнинг бузилиши баённоманинг далил сифатида умуман ёки қисман йўл кўрилмаслигига олиб келиши мумкин (масалан, холислар имзоларининг йўқлиги, таниб олиш учун битта объектнинг кўрсатилганлиги). Баённомалар турли фактларнинг далили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Баённоманинг далилий аҳамияти ушбу ҳаракат давомида аниқланадиган фактга боғлиқ. Масалан, воқеа жойини кўздан кечириш чоғида ушбу жойнинг ҳолати, ундаги мавжуд излар баённомада қайд этилади. Баённомада қайд этилган таниб олиш факти объектни (инсон ёки ашёни) идентификациялашга имкон беради, таниб олувчининг илгари берган кўрсатмалари ишончли эканлигини тасдиқлайди. Тергов эксперименти давомида бирор ҳодисанинг бўлиши, муайян бир вазиятда ёки муайян бир шахс томонидан маълум бир ҳаракатнинг содир этилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги аниқланади. Бундай имкониятнинг (масалан, шахснинг қалбаки пул тайёрлай олиш қобилиятининг) аниқланиши катта далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Экспериментнинг салбий натижаси муқаррар равишда ушбу ҳодиса ёки ҳаракат ҳақиқатда бўлиши мумкин эмаслигидан далолат беради (масалан, ашё айбланувчи кўрсатган тешиқдан олиб ўтилиши мумкин эмаслиги аниқланади) ва шу тариқа айбланувчининг кўрсатмаси нотўғри эканлигини исботлайди.

Тергов ва судлов ҳаракатлари жараёнида турли хил илмий-техникавий воситалар қўлланилиши ва баённомадан бошқа далилий ахборот манбалари тайёрланиши мумкин. Тергов ва судлов ҳаракатларини амалга ошириш давомида ашёвий далилларнинг ҳар хил нусхалари (из, қолиплар)дан ташқари, фотосурат, овоз ёзуви, кино ёзуви тайёрланиши мумкин. Амалдаги қонунда бевосита назарда тутилмаган бўлса ҳам сўнгги йилларда видеоёзувдан борган сари кўпроқ фойдаланилмоқда.

Далилий ахборотнинг ушбу манбалари далилларнинг алоҳида манбалари қаторида келтирилмаган ва шу боис улар одатда баённомаларга иловалар деб аталади. Дарҳақиқат, улар фақат излардан қолиплар тайёрланганлигининг аниқ фактлари ва шароитлари акс эттирилган баённома мавжуд бўлгандагина, далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шунга қарамай, улар нафақат баённоманинг мазмунини тасдиқлайди ва намойиш этади, балки қўшимча далилий ахборотга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, фотосуратларда воқеа жойининг кўздан кечириш баённомасида акс эттирилмаган жиноят тафси-

лотлари акс этган бўлиши мумкин. Кинолентада қотиллик жойи ва ҳолати, айбланувчининг вазияти ва имо-ишоралари кўриниб туриши мумкин, уларни ҳар доим ҳам баённомада тасвирлаш имкони бўлмайди. Овоз ёзуви ҳам нутқдаги барча интонацияларни акс эттиради.

Далилларни таснифлаш қонунда мустаҳкамланмаган назарий тузилмадир (ЖПКда акс эттирилган «ашёвий далил» терминигина бундан мустасно). Бироқ, қуйида биз кўрсатганимиздек, ушбу таснифлаш далилларни тўғри баҳолаш ва қўллаш учун катта амалий аҳамият касб этади. Энди далилларнинг таснифланган мазкур гуруҳларини кўриб чиқамиз. Бевосита ва билвосита далиллар исботланаётган қоидага муносабати бўйича фарқланади. Бевосита далиллар аниқланаётган фактнинг ўзи ҳақидаги, билвосита далиллар эса бошқа, мантиқий асос ёки ушбу фактни исботлаш сифатида намоён бўладиган далилий ёки оралиқ факт ҳақидаги маълумотларга эга бўлади. Бевосита далилга тезис ва асос мос келади, билвосита далилда ундай эмас. Масалан, содир этилган жиноят ҳолатлари ҳақида уни ўз кўзи билан кўрган гувоҳ ёки айбланувчининг ўзи берган кўрсатмалар бевосита далил бўлса, айбланувчининг ёнидан ёки уйдан ўғирланган ашёларнинг, жиноят содир этилган жойда излар (пойафзал, бармоқ излари ва бошқалар), жиноят қуролларининг топилиши факти билвосита далил бўлади.

Билвосита далил асосида доимо бир неча (камида иккита) хулосага келиш мумкин. Масалан, ўғирланган ашёлар А.нинг уйдан топилганлиги унинг ушбу ашёларни ўғирлаганлиги, сотиб олганлиги ёки топиб олганлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради ва ҳоказо. Бевосита далил эса ҳеч қандай муқобил хулосага йўл қўймайди, унинг аҳамияти аниқ ва барча муаммолар фақат унинг ишончлилигини баҳолашдан иборат бўлади. Билвосита далиллар билан ишлаш анча қийин, бунда хатога исботлашнинг кейинги, мантиқий босқичида, улардан хулоса қилиш учун асослар сифатида фойдаланиш чоғида ҳам йўл қўйиш мумкин. Шунга қарамай, кўпгина жиноят ишларида далиллар базасининг асосий қисмини айнан билвосита далиллар ташкил қилади ва уларнинг етарли бўлиши бир қатор ҳолларда жиноят иши бўйича тўғри (ишончли) хулоса қилишга имкон беради.

Билвосита далилларни баҳолаш ва улардан фойдаланишда энг қийини уларнинг далилий аҳамиятини (кучини) аниқлашдир. Ушбу баҳо жуда кенг доирада турли вариантларга эга бўлиши мумкин. Шахс ёки предметни – жиноят қуроли, поймафзал излари ва шу кабиларни индивидуал идентификациялаш фактини аниқловчи баҳолар энг муҳимлари ҳисобланади (эслатиб ўтамиз, бундай далиллар доимо

билвосита далил бўлади, чунки улар қандайдир бошқа вариантлар бўлишига йўл қўяди: А.га тегишли қуролдан бошқа бир шахс ҳам фойдаланган бўлиши мумкин, пойафзал ёки бармоқ изи жиноят содир этилган жойда бошқа ҳолатларда ҳам қолдирилган бўлиши мумкин).

Бошқа билвосита далилларга келсак, бунда юқорида эслатиб ўтилган мантикий қонуният амал қилади: уларнинг кучи улар аниқлайдиган белги, хоссанинг тарқалганлик даражасига тескари пропорционалдир. Бошқача айтганда, улар аниқлайдиган фактнинг тасодифан пайдо бўлиш (мос келиш) эҳтимоли қанчалик кам бўлса, унинг аҳамияти шунчалик катта бўлади. Масалан, экспертнинг гумон қилинувчи пойафзали ва кийимидан олинган тупроқ заррачалари ва жиноят содир этилган жойдан олинган намуналар карбонатли, бегона аралашмалари кам тупроққа мансублигига оид хулосасининг далилий қиймати жуда паст, чунки тупроқнинг бундай типи кенг тарқалган ва, бинобарин, тасодифий мос келиш эҳтимоллиги юқори. Агар, айтайлик, тупроқнинг бу ва бошқа намуналарида ёт жисмлар – кипик, кўмир, оҳак, хашак кабилар аниқланса, мос келиш эҳтимоллиги кескин камаяди ва тегишли равишда далилнинг қиймати ошади. Ёки автомобиль уриб кетишидан жабрланган шахснинг кийимига юққан бўёқ билан текширилаётган автомобиль бўёғидан олинган намуналар бир гуруҳга тегишлилиги аниқланса, ушбу бўёқ бир қатлам бўлгани бир масала-ю, айтайлик, уч ёки тўрт қатлам бўлгани бошқа масала. Сўнгги ҳолда тасодифий мос келиш эҳтимоллиги анча кам бўлади.

Бирор воқеа-ҳодисанинг юз бериши мумкинлиги ёки муайян шахснинг қандайдир қобилиятга эгалиги факти ҳам ана шу қоидалар бўйича баҳоланади. Агар воқеа табиатан мумкин бўлмаслиги аниқланса, бинобарин, у рўй бермаган бўлади. Масалан, агар қуролнинг муайян нусхаси «ўз-ўзидан» (уни силкитиш, унинг тушиб кетиши каби ҳолларда) отилиб кетиши мумкин бўлмаса, демак, ҳақиқатда ҳам бу ҳодиса рўй бермаган бўлади. Агар бундай имконият тасдиқланса, бу ҳам қандайдир далилий аҳамиятга эга бўлади, чунки у текширилаётган фактни билвосита тасдиқлайди. Шу боис, айтайлик, тергов экспериментининг (нафақат салбий) ижобий натижаси ҳам доимо муайян аҳамиятга эга бўлади. Бунинг устига, ушбу имконият (ёки шахснинг қандайдир қобилияти) қанчалик камёб бўлса, унинг далилий қиймати шунчалик юқори бўлади.

Айтилганларни қуйидаги мисол билан асослаш мумкин. Д. кассадан пул ўғирлаганлиги учун жавобгарликка тортилган. У ўзини айбдор деб тан олган ва жиноят ҳолатлари тўғрисида тўлиқ кўрсатма

берган. Унинг жинояти иш бўйича тўпланган далиллар билан ҳам тўлиқ фош бўлган. Бироқ, ишнинг ҳолатларига қараганда, Д. жиноятни якка ўзи содир этиши мумкин эмас, чунки ўғирланган сейф, ичидаги пул билан бирга, 120 кг дан ортиқ оғирликка эга бўлган ҳамда қишлоқдан деярли 1 км нарида бузиб очилган. Шу боис, Д. кўрсатмаларининг жиноятни бир ўзи содир этганлиги ҳақидаги қисми унчалик ишонарли эмас эди ва терговчи, Д. ўз шерикларини айтишни истамаганлиги учун бу фикрни ўтказмоқчи, деб ҳисобларди (бунинг устига Д. ташқи кўринишидан полвонга ўхшамас, ҳеч қачон спорт билан шуғулланмаган эди). Д.нинг ёлғонини фош қилиш мақсадида тергов эксперименти ўтказилди, унда Д.га ўз ҳаракатларини такрорлаш, яъни сейфни дераза орқали хонадан олиб чиқиш ва бузиб очилган жойга олиб бориш таклиф этилди. Кутилганига зид равишда Д. ушбу вазифани муваффақиятли удалади. Кейинги гувоҳликлар Д. ташқаридан қараганда оддий кўринса-да, аслида жисмонан ниҳоятда бақувват эканлигини тасдиқлади. Тергов, сўнгра суд Д.нинг жиноятни бир ўзи содир этганлиги факти ҳақиқий эканлигини тан олиши учун ана шу фактнинг ўзи кифоя қилди.

Билвосита далиллар сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган ҳолатлар доираси ниҳоятда кенг, турлари эса жуда хилма-хил. Бу ўринда биз А. А. Хмыров каби уларнинг барчасини кўриб чиқиш имконига эга эмасмиз¹.

Энди бевосита ва билвосита далилларни ажратиш муаммосига қайтамиз. Унинг мантиқий жиҳати қийинчилик туғдирмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бевосита далиллар аниқланаётган фактнинг ўзи ҳақидаги, билвосита далиллар эса – бошқа, оралик (далолат берувчи) фактга доир маълумотларга эга бўлади. Муаммонинг ҳуқуқий жиҳати бироз мураккаброқ. Гап нимани исботланувчи тезис (қоида) деб ҳисоблашда: исботлаш предметининг барча элементлариними ёки уларнинг айримлариними?

Ушбу масалада икки хил нуқтаи назар мавжуд. Бир гуруҳ муаллифларнинг фикрига қараганда, исботлаш предметининг лоқал битта (ҳар қандай) элементини аниқлайдиган далиллар бевосита далиллардир². Бошқалари эса фақат аниқ бир шахснинг айбдорлигидан далолат берувчи далилларнигина бевосита далиллар деб ҳисоблайдилар, исботлаш предметининг қандайдир бошқа элементларини аниқловчи

¹ Хмыров А. Косвенные доказательства. – М., 2009.

² Теория доказательств в уголовном процессе. – М., 2007. – С.21–78.

далилларни ё далилларни бевосита ва билвосита далилларга ажратадиган тасниф доирасидан ташқарига олиб чиқадилар (унга ушбу тасниф тўғри келмайди деб ҳисоблайдилар), ё уларнинг табиатини умуман тушунтирмайдилар.

Назаримизда, биринчи гуруҳ муаллифларининг фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки исботлаш предметига кирувчи ҳар қандай ҳолатни аниқлайдиган далилларни қуйидаги асосларга мувофиқ, бевосита далиллар деб ҳисоблаш нотўғри бўлади:

биринчидан, бу ушбу сўзнинг этимологик (бунинг устига оқилона) маъносига зид бўлади. Ҳеч кимни ҳеч нарсада фош этмайдиган ва оқламайдиган бевосита далиллар (масалан, айбланувчи ёки жабрланувчининг ёши, ўғирланган нарсанинг қиймати ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар) бўлиши мумкинми?

иккинчидан, масалага бундай ёндашадиган бўлсак, бевосита далиллар тўлиб-тошиб ётгани ҳолда асосий факт исботланмай қоладиган ва жиноят процессининг ҳеч қайси мақсадига эришилмай қолинадиган парадоксал вазиятга тушиб қоламиз (масалан, қотиллик зўрлаш, ўта шафқатсизлик билан содир этилганлиги, жабрланувчи вояга етмаган шахс эканлиги ва бошқа кўплаб маълумотлар бўлади-ю, «арзимаган» маълумот – ушбу жиноятни ким содир этганлиги номаълум бўлиб қолади);

учинчидан, юқорида айтилганидек, амалиётда айбланувчи шахсига доир маълумотларга (айниқса, жинсий эркинликка қарши жиноятларга доир ишлар бўйича рухий ва жинсий оғишларга) ортиқча аҳамият бериш тамойили кучли. Агар ушбу маълумотларга бевосита далиллар мақоми ҳам бериладиган бўлса (улар шубҳасиз, исботлаш предметига киради), бундай амалиёт қандайдир назарий асосга ҳам эга бўлади.

Шундай қилиб, *бош фактни*, яъни жиноятни муайян шахс содир этганлиги фактини аниқлайдиган далилларнигина бевосита далиллар деб ҳисоблаган маъқул. Исботлаш предметининг қандайдир бошқа элементларини тасдиқловчи (оқловчи) далилларни билвосита далилларга киритиш мақсадга мувофиқ. Натижада билвосита далилларнинг икки тоифаси мавжуд эканлиги маълум бўлади: 1) юқорида сўз юритганимиз, мантиқий асослар сифатида фойдаланиладиган оралик (исботловчи) фактлар (далил ва қарши далиллар) ҳақидаги маълумотларга эга бўлган билвосита далиллар ҳамда 2) исботлаш предметига кирувчи ва одатда айбловга нисбатан нейтрал бўлган қандайдир ҳолатларни «бевосита» аниқловчи билвосита далиллар (улар ҳам, юқорида айтилганидек, айти пайтда далиллар бўлиши мумкин, лекин нисбатан кам ҳолларда).

Далилларни бундай талқин қиладиган бўлсак, бевосита далилларга анча тор доирадаги далиллар – айбланувчи (гумон қилинувчи) ва гувоҳ (жабрланувчи)нинг жиноят содир этилиши факти ва ҳолатлари ҳақидаги кўрсатмалари, баъзан эса (масалан, тухмат хат муаллифи ёки ижрочисини аниқлашга тўғри келганда) экспертнинг хулосаси, айрим ашёвий далиллар (ғайриқонуний сақлаш ҳақидаги ишларда наркотиклар, қуроллар) – киради. Аммо улар, юқорида таъкидлаганимиздек, билвосита далилларга қараганда муҳимроқ бўлганлиги боис ҳам бевосита далиллар бўлади (фақат ишончлилик даражаси тенг бўлганда).

Айбловчи ва оқловчи далиллар турларига бўлиниш мезонини далил мазмунининг айбловга муносабати ташкил қилади. Одатда, айбловчи далилларга жамият учун хавфли қилмиш мавжудлигини, уни муайян шахс содир этганлигини, унинг айби ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқловчи далиллар, оқловчи далилларга эса жамият учун хавфли қилмишнинг йўқлиги, шахснинг айбсизлигидан далолат берувчи далиллар ёхуд айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳақидаги далиллар киритилади.

Бироқ далилларни айбловчи ва оқловчи далилларга бўлиш масаласи бир қараганда оддий туюлса-да, аслида анча мураккаб масаладир. Унинг мураккаблиги қуйидагиларда кўринади: бундай ажратиш нимага нисбатан амалга оширилиши керак – «умуман» айбловга, яъни исботлашнинг бутун предметига нисбатанми ёки фақат аниқ шахсга нисбатанми? Юридик адабиётда, масала бу тарзда қўйилмаган бўлса ҳам, далилларни айбловчи ва оқловчи далилларга ажратиш мезони ҳар хил таърифланади. Айрим муаллифлар ушбу мезонга бутун айбловни, ким содир этганидан қатъи назар, жиноят ҳодисасини, бошқалари – фақат муайян шахснинг айбдорлиги ҳамда унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни киритадилар¹.

Ушбу масалани кўриб чиқсак. Бир томондан, ҳақиқатан ҳам, фақат қайсидир муайян шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Маълумки, далил бир шахсга нисбатан айбловчи ва бошқасига нисбатан оқловчи далил бўлиши мумкин. Масалан, экспертнинг жиноят содир этилган жойдан топилган бармоқ изини А. эмас, балки Б. қолдиргани ҳақидаги хулосаси Б.га нисбатан айбловчи, А.га нисбатан эса оқловчи далил бўлади. Лекин, бошқа томондан

¹ Горский Г. Ф., Кокорев Л. Д., Элькин П. С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. – Воронеж, 1999.

қараганда, жинойт ҳодисасидангина далолат берувчи далилни нейтрал далил деб тан олиш мумкинми (бундай ҳодиса бўлмаганлигини аниқловчи далил ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, чунки у ҳар қандай шахсга нисбатан оқловчи далил бўлади). Шу муносабат билан, назаримизда, айбловчи ва оқловчи далилларнинг икки турини, яъни субъект ким бўлишидан қатъи назар, умуман айблов тезисини тасдиқловчи ёки рад этувчи (жинойт ҳодисасининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, масалан, экспертнинг жабрланувчининг ўлими зўрлик билан кечган ёки кечмаганлиги ҳақидаги хулоса) ҳамда муайян шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлигини, шунингдек, унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқловчи далилларни ажратиш мақсадга мувофиқ. Терминологик чалкашликнинг олдини олиш учун уларни шартли равишда айблов ва оқлов далиллари деб аташ мумкин.

Ушбу таснифлаш гуруҳида юзага келадиган бошқа бир масала – нейтрал далиллар, яъни айблов далили ҳам, оқлов далили ҳам бўлмаган далилларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги масала. Умуман олганда, далилий аҳамиятга эга бўлган, бироқ айбловга нисбатан нейтрал бўлган, ҳеч кимни фош қилмайдиган ва оқламайдиган маълумотлар бўлиши мумкин (масалан, жабрланувчининг унга жароҳат етказилганидан кейин тўрт соат ўтгач ҳалок бўлганлиги ҳақидаги эксперт хулосаси). Лекин бу муддат икки соат ёки икки сутка бўлганида ҳам ушбу факт айбланувчининг тақдирига асло таъсир этмаган бўлар эди.

Асл ва ҳосила далиллар манбаига кўра фарқланади. Асл далиллар асосий манбадан, ҳосила далиллар эса иккинчи ёки ундан кейинги манбалардан олинади. Масалан, шоҳид-гувоҳнинг кўрсатмалари асл далил, гувоҳнинг бошқа шахсдан эшитган фактлар ҳақидаги кўрсатмалари эса ҳосила далил бўлади. Асл далилларга, шунингдек, ҳужжатнинг, ашёвий далилнинг асл нусхаси, ҳосила далилларга эса – уларнинг нусхалари (копиялари) ёхуд ашёвий далилнинг бошқа қандайдир моделлари киради.

Асл ва ҳосила далилларнинг асосий фарқи улар манбаларининг шаклланиш жараёнида. Ушбу жараёнда ҳосила далилларда доимо қўшимча бўғин, яъни ахборотнинг оралиқ манбаи бўлади. Масалан, шоҳид-гувоҳнинг ахборотни идрок этиши ва терговчининг ушбу ахборотни олиши ўртасига яна бир манба – «эшитган гувоҳ» «суқилиб киради». Ҳосила далилларнинг бошқа хусусиятлари ҳам ана шундан келиб чиқади. Маълумки, ахборот бир манбадан бошқасига ўтган

сайин камайиш ва ўзгариш хусусиятига эга. Шу боис бундай оралик манбалар қанчалик кўп бўлса, бунинг эҳтимоли ҳам ортиб боради. Ҳатто кундалик турмуш даражасида ҳам бошқа бировнинг сўзларидан бирор нарсани билиб олган киши ҳеч қачон бу тўғрида шоҳид сингари аниқ ва батафсил айтиб бера олмаслиги маълум. Издан олинган кўчирма ёки қолип асл нусханинг барча хоссаларини мутлақо аниқ акс эттира олмайди. Ҳужжатнинг нусхасида хатога йўл қўйилиш имконияти доимо мавжуд бўлади. Шу боис ҳосила далилларга қўйиладиган мажбурий талаб – дастлабки манбанинг маълум бўлиши. Акс ҳолда уларни текшириш имкони бўлмайди. Гувоҳлик кўрсатмаларига тўхталадиган бўлсак, масаланинг бундай қўйилиши ЖПКда бевосита белгилаб қўйилган. Гувоҳ хабар берган фактик маълумотлар, агар у маълумотлар манбаини айтиб бера олмаса, далил бўла олмайди. Бошқа ҳосила далиллар ҳам худди шундай – ҳужжатнинг нусхасини кимдир тасдиқлаган, ашёвий далилнинг қандайдир модели тайёрланганлиги факти эса процессуал жиҳатдан тегишли равишда расмийлаштирилган бўлиши керак.

Юқорида айтилганлар ҳосила далиллар доимо ёмонроқ бўлишини билдирадими? Йўқ, бундай хулосага келиш тўғри бўлмайди. Албатта, одатда асл далиллар тўлиқроқ, кўпинча аниқроқ бўлади. Аммо ҳар доим ҳам эмас. Ҳаммаси аниқ вазиятга боғлиқ. Масалан, шоҳид-гувоҳ виждонсиз киши чиқиб, қандайдир сабабларга кўра бўлган воқеанинг нотўғри манзарасини чизиб берди, дейлик. Бўлган воқеани ундан эшитган таниши эса тўғри кўрсатма беради. Ёки бўлмаса, ёши ўтиб қолган гувоҳнинг хотираси суст, терговчи эса воқеа бўлиб ўтганидан анча вақт кейин уни сўроқ қилади. Гувоҳ ҳаммасини унутиб бўлган. Бўлган воқеани ўша пайтдаёқ ундан эшитган ўғли эса эшитганларининг барчасини яхши эслаб қолган. Худди шунингдек, ҳужжатнинг нусхаси ҳам оригиналдан асло қолишмаслиги, изнинг қолипи эса уни идентификациялаш учун етарли аломатларга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб ҳосила далиллар исботлаш жараёнида муҳим ўрин тутиши мумкин. Хўш, уларнинг аҳамияти нимадан иборат? Биринчидан, улардан асл далилларни топиш учун фойдаланиш мумкин. Агар «эшитган» гувоҳ кўрсатмалари билан шоҳид-гувоҳ кўрсатмалари ўртасида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлса, юзлаштириш ўтказилиши мумкин. Ниҳоят, ҳосила далиллар асл далил йўқотилган ёки қандайдир сабабларга кўра ундан фойдаланиб бўлмаган ҳолларда алмаштириб бўлмас далил бўлади. Агар ҳужжатнинг асл нусхасини топиб бўлмаса, лоақал нусхаси (копияси) бўлса ҳам яхши. Агар жабрла-

нувчи касалхонага олиб борилаётганда ўлиб қолган, аммо ҳамширага ниманидир айтишга улгурган бўлса, ҳамшира сўроқ қилинади. Баъзи изларни (ердаги, қордаги) ажратиб олиб ва «аслича» текшириб бўлмайди. Бунинг ягона имконияти – издан нусха (қолип), яъни ҳосила ашёвий далил олиш.

Адабиётларда далилларнинг баъзи турлари доимо ҳосила (ёки аксинча, дастлабки) далил бўлиши ҳақидаги фикрлар учрайди. Бу гап, айниқса, экспертнинг хулосаси каби далилларга тааллуқлидир. Аммо бундай ёндашув умуман нотўғри. Чунки далилларни асл ва ҳосила далилларга ажратиш бир турдаги далилларнинг бошқаларига муносабати бўйича эмас, балки *ҳар бир турдаги далиллар ичида* ўтказилиши керак.

Шахсий далиллар – инсондан келиб чиқувчи далиллар бўлиб, уларга кўрсатмалар, турли (жумладан, процессуал) ҳужжатлар, эксперт хулосаси киради. Ашёвий далилларга моддий муҳит предметлари, ашёвий ҳолат қисмлари (жиноят қуроллари, жиноят излари мавжуд бўлган нарсалар ва ш.к.) киради.

Далилларнинг ушбу турлари ўртасида муҳим фарқлар мавжуд бўлиб, уларни текшириш ва баҳолаш чоғида мазкур фарқларни билиш ва инобатга олиш зарур (шу боис далилларни бундай бўлишни асоссиз ва схоластик деб инкор этувчи муаллифларнинг фикрига қўшила олмаймиз). Хўш, ушбу фарқлар нималарда намоён бўлади? Шахсий далилларда мавжуд бўлган ахборотни дастлаб инсон онги идрок этган ва қайта ишлаган. Шу боис унда доимо субъективликнинг қандайдир элементи бўлади. Маълумки, бир неча киши айна бир шароитда идрок этган айна бир воқеа ҳақида мутлақо бир хил кўрсатмалар бўлмайди (тўғри кўрсатмалар назарда тутилмоқда). Одамлар айна бир ахборотни турлича идрок этадилар ва баҳолайдилар (ушбу ахборотни бериш услубининг индивидуаллигини гапирмаса ҳам бўлади).

Демак, исботлаш назарияси жиҳатидан юзлаштириш натижасида олинган маълумотлар қайси бир процесс иштирокчисининг кўрсатмалари воқеликка ва ҳақиқатга мослигини бевосита кўрсатиб, иш бўйича асосланган хулосани чиқариш учун қулай шароит яратиб беради.

ХУЛОСА

Жиноят ишлари бўйича иш юритувининг асосий мақсади бўлган объектив ҳақиқат сари йўл – бу қонунда ўрнатилган талабларга жавоб берган ҳолда тегишли жиноий-процессуал функцияларни бажариш орқали амалга ошириладиган холис ва мақсад сари йўналтирилган ҳаракатдир.

Жиноят ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар исботлаш жараёнини амалга ошириш, шу жумладан тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш йўли билан аниқланади. Тергов ҳаракатлари жумласига киритилган юзлаштириш тергов ҳаракати натижалари ҳам далиллар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Юзлаштириш тергов ҳаракати барча жиноят ишлари бўйича ўтказилиши мажбурий эмас, балки у фақат иш бўйича сўроқ қилинган икки шахснинг кўрсатмаларида жиддий қарама-қаршилиқлар юзага келганда ўтказилади.

Юзлаштириш жараёнининг натижаларини қайд этишда ривожланган техника воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо бугунги кунда ички ишлар идоралари техник жиҳатдан тўла таъминланмаганлигини инобатга олган ҳолда мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида видеоёзув (видеокамера)дан фойдаланиш маълум муаммоларни юзага келтиради. Шунинг учун юзлаштиришни ўтказишда доимий равишда видео ёки аудиоёзувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, мазкур қўлланма юзлаштириш тергов ҳаракати самардорлигини ошириш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда терговчининг энг муҳим кўмакчисига айланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996.

Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997.

Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т., 1998.

Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда. – Т., 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. –Т., 2000.

Каримов И.А. Ватан равнақ учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001.

Каримов И.А. Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатимиздан улуғ мақсад йўқ. – Т., 2001.

Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Тинчлик ва хавфсизлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. – Т., 2001.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2015.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., 2000.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2015.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. – Т., 1999.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни. – Т., 1997.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Варшава, 1948.

Конвенция против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания. – Варшава, 1984.

Международный пакт о гражданских и политических правах. – Варшава, 1949.

Европейская конвенция о защите прав человека и основных свобод. – Варшава, 1950.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарори. – Т., 2001. – 14 январ.

Акрамходжаев Б.Т. Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего. – Т., 1992.

Акрамходжаев Б.Т. Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего: Автореф. дис. ... юрид. канд. наук. – М., 1992.

Баев О.Я. Конфликты в деятельности следователя. – Воронеж, 1981.

Бекешко С.П., Матвиенко Е.А. Очная ставка в уголовном процессе. – Минск, 1998.

Васильев А.Н. Карнеева Л.М. Тактика допроса при расследовании преступлений. – М., 1991.

Демидов И.Ф. Уголовно-процессуальное принуждение в механизме обеспечения задач предварительного следствия. – Т., 1974.

- Дулов А.В.* Судебная психология. – М., 1995.
- Камалходжаев Д.* Реабилитация в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1996.
- Камалходжаев Д.* Реабилитация в уголовном процессе. – Т., 1996.
- Карнеева Л.М.* Совершенствование уголовно-процессуального законодательства, регулирующего производства расследования. – М., 1982.
- Комарков В.С.* Психологические основы очной ставки. – Харьков, 1996.
- Кулагин Н.И., Порубов Н.И.* Организация и тактика допроса в условиях конфликтной ситуации. – Минск, 1987.
- Максимов В.С.* Теория и практика очной ставки на предварительном и судебном следствии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Свердловск, 1975.
- Малько А.В.* Законный интерес как правовая категория. – Саратов, 1986.
- Миренский Б.А.* Проблемы совершенствования уголовно-процессуального законодательства. – Свердловск, 1985.
- Мустафоев Б. М.* Қонун ва инсон ҳуқуқлари. – Т. 1997.
- Порубов Н.И.* Допрос в уголовном судопроизводстве. – М, 1989.
- Порубов Н.И.* Научные основы допроса на предварительном следствии. – Минск, 1988.
- Раҳмонқулов А.Х.* Даствлабки терговни такомиллаштиришда француз тажрибасидан фойдаланишга доир айрим масалалар // Ҳуқуқ –Право – Law. – 2003. – №4.
- Саидов Б. А.* Даствлабки терговда шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш принципининг таъминланиши: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т. 2002.
- Салтонович А.Ю.* Право подозреваемого на защиту в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1992.
- Таджиханов У.Т.* Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томли. – Т., 1998.
- Ҳайдаров Н.Н.* Подозреваемый в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2000.
- Хмыров А.* Косвенные доказательства. – М., 1979.
- Чувилев А.А.* Привлечение следователем и органами дознания лица в качестве подозреваемого по уголовному делу. – М., 1982.
- Шаламов М.П.* Участники уголовного процесса. Курс уголовного процесса. – М., 1988.

ЮЗЛАШТИРИШ БАЁННОМАСИ

20__ йил «__» _____ шаҳри

(юзлаштириш ўтказаетган шахснинг лавозими, унвони, фамилияси, исми, шарифи)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96–108, 122–124-моддаларига риоя қилиб,

Гумон қилинувчи (айбланувчи) _____ билан
Гувоҳ (жабрланувчи)

Гувоҳ (жабрланувчи) _____
Гумон қилинувчи (айбланувчи)
юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказдим.

Гувоҳ (жабрланувчи) _____ ёлғон
гувоҳлик берганлиги ҳамда кўрсатма беришдан бўйин товлаганлиги учун Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 238, 240-моддаларига асосан жавобгарликка тортилиши ҳақида
огоҳлантирилди.

(имзо) (Ф.И.Ш.)

(имзо) (Ф.И.Ш.)

Юзлаштириш соат «_____» да бошланиб, соат «_____» да тугалланди.

Умумий савол: Қаршингизда ўтирган шахсни танийсизми, унга нисбатан шахсий адоватингиз борми?

Умумий савол: Бир-бирларингизга саволларингиз ҳамда юзлаштириш баённомасига қўшимчаларингиз борми?

(юзлаштириш баённомаси ўқиб чиқилганлиги ёки ўқиб эшиттирилганлиги, тўғри ёзилган ёки ёзилмаганлиги ҳамда

қўшимча ва эътирозлар бор ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлар)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

(юзлаштириш баённомаси ўқиб чиқилганлиги ёки ўқиб эшиттирилганлиги, тўғри ёзилган ёки ёзилмаганлиги ҳамда

қўшимча ва эътирозлар бор ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлар)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Юзлаштириш ўтказди:

_____ (лавозими, унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. Юзлаштириш тергов ҳаракатининг тушунчаси ва моҳияти	6
2. Юзлаштириш тергов ҳаракатига тайёргарлик, уни ўтказиш тартиби ва натижаларини қайд этиш.	24
3. Юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси	32
4. Юзлаштириш натижасида олинган маълумотларнинг далилий аҳамиятини таъминлаш	43
ХУЛОСА.....	60
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	61
ИЛОВА.....	63

Даврон Мирагзамович МИРАЗОВ,
юримдик фанлар номзоди, доцент

ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир **Б. А. Яров**
Техник мухаррир **Д. Р. Джалилов**

Босишга рухсат этилди 07. 09. 2016. Нашриёт-ҳисоб табағи 4,2.
Адади 50 нусха. Буюртма № ____ . Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.